

Расулуллоҳ муҳаббати ва унинг аломатлари

Фазл Илоҳий Зоҳийр

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюшнинг ҳукми нима? Бу севгининг самаралари нима?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюш аломатлари нима?

Саҳобалар ҳаётида бу аломатлар қандай зоҳир бўлар эди? Ва биз

қандай ҳолатдамиз? Бу мавзуни
мақола уч баҳсда баён қилади.

<https://islamhouse.com/1200>

- [Муаллиф: Шайх Фазл Илоҳий](#)
[Мутаржим: Абу Жаъфар ал-](#)
[Бухорий](#)
 - [КИРИШ](#)
 - [БИРИНЧИ БАҲС:](#)
[РАСУЛУЛЛОҲ](#)
[СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ](#)
[ВА САЛЛАМНИ БАРЧА](#)
[МАХЛУҚОТДАН ОРТИҚ](#)
[СУЮШНИНГ ЗАРУРАТИ](#)
 - [А – Расулуллоҳ](#)
[соллаллоҳу алайҳи ва](#)
[салламни жонимиздан](#)

ҳам ортиқ суюшимизнинг зарурати

- Б - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ота-она ва фарзанддан ҳам ортиқ суюшнинг зарурати
- В – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўз жуфти, мол-дунёси ва бутун махлуқлардан ҳам ортиқ суюшнинг зарурати
- Г – Бирон бир махлуқни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан

ортиқ суйган кимсага
тахдид

- ИККИНЧИ БАҲС:
РАСУЛУЛЛОҲ
СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВА САЛЛАМНИ
СУЮШНИНГ
САМАРАЛАРИ
 - ۱. Расулуллоҳ соллалоҳу
алайҳи ва салламни
суюш, иймон лаззатини
қўлга киритиш
сабабларидан биридир.
 - ۲. Расулуллоҳ соллалоҳу
алайҳи ва салламни
суйган у билан охиратда
бирга бўлади

- УЧИНЧИ БАҲС:
РАСУЛУЛЛОҲ
СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВА
- САЛЛАМНИ СУЮШ
АЛОМАТЛАРИ
- КИРИШ
 - Биринчи аломат:
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламни
кўриш ва унга суҳбатдош
бўлишни орзу қилиш
ҳамда булардан маҳрум
бўлишни дунёдаги энг
қимматли нарсдан
маҳрум қолишдан кўра

оғирроқ мусибат деб
билиш

- ۱. Абу Бакр ас-Сиддик
розияллоҳу анҳунинг
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам билан
бирга ҳижрат қилишини
эшитгани он, кўз ёши
тўккани
- ۲. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг
ёнларига келиши сабабли
ансор-мадиналикларнинг
севиниши
- ۳. Саҳобаларнинг
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг

дўст бўлмайдан
қолишларидан
қўрқишлари

- ξ. Бир саҳобанинг
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламни
жаннатда кўра
олмасликдан қўрқиши
- ο. Рабийъа розияллоҳу
анҳунинг Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва
саллам билан бирга
бўлишни орзу қилиши
- ϑ. Ансорларнинг
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламни қўй

- ва туя сурувларидан
афзал кўришлари
- Ү. Умар розияллоҳу
анҳунинг Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва
салламга яқин ерда дафн
қилиниш орзуси
 - Ҳ. Абу Бакр розияллоҳу
анҳунинг Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва
салламдан айрилиш
вақтининг
яқинлашганини англаши
билан йиғлашлари
 - Ҷ. Абу Бакр розияллоҳу
анҳунинг Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва

салламни вафотларидан
сўнгра хотирлаганида
йиғлаши

- ۱۰. Абу Бакр розияллоху
анҳунинг Расулуллох
солаллоху алайҳи ва
салламга тезроқ қовушиш
истаги
- Иккинчи аломат: Аллоҳнинг
расули учун жон ва молу-
дунёни фидо этиш
 - ۱. Абу Бакр розияллоху
анҳунинг Расулуллох
солаллоху алайҳи ва
саллам учун хавотир
олиб, қўрқиб йиғлаши

- Ү. Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳунинг жангдаги тўқнашувда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнида бўлишга тиришиши
- Ҷ. Ўн бир ансор ва Талҳа розияллоҳу анҳумларнинг Аллоҳнинг расули учун жонларини фидо қилишлари
- Ё. Абу Талҳа розияллоҳу анҳу кўксини Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг кўксига қалқон қилиши

- ○. Абу Дужона
розияллоху анхунинг
Расулуллоҳ соллаллоху
алайҳи ва салламнинг
олдида ўзини қалқон
қилиши
- ᶇ. Ансорлардан бирининг
Расулуллоҳ соллаллоху
алайҳи ва саллам учун
ўзини фидо қилиб,
яноқлари Расулуллоҳ
соллаллоху алайҳи ва
саллам оёқлари устида
экан, ўлиши
- ᶈ. Саъд ибн Рабийъ
розияллоху анхунинг
руҳини таслим қилар

экан, Расулуллох
соллаллоху алайҳи ва
салламнинг соғлигига
эътибор бериши

- ʌ. Абу Қатода розияллоху
анҳу Расулуллох
соллаллоху алайҳи ва
салламнинг ёнидан,
уловларидан
йиқилмасинлар дея тун
бўйи ажралмаслиги
- Учинчи аломат: Муҳаммад
Мустафо соллаллоху алайҳи
ва салламнинг буйруқларига
итоат қилиш ва
таъқиқларидан узоқ бўлиш

- ۱. Бир гуруҳ
ансорларнинг намозда
рукуъда эканлар, Каъбага
шошилиб бурилишлари
- ۲. Саҳобай кйромнинг
сафарда кўноқлаш вақти
келганида кўноқлаш
амрини бажо келтириш
учун шошилишлари
- ۳. Саҳобай кйромнинг
хонаки эшакларнинг
гўшти ҳаром
қилингинини
эшитганлари он,
қозонларда қайнаётган
гўштлирни тўкишлари

- ξ. Ароқ (май)нинг ҳаромлиги эълон қилинганида Мадина кўчаларида оққан ароқлар
- ο. Саҳобай кйромнинг Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиш учун, душманлари билан қилинган аҳд-шартномага риюя қилишлари
- ϑ. Саҳобай кйромнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрига итоат қилиб ипак

кийимларини

киймасликлари

- Ү. Саҳобаи киромнинг
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг
намозда эканлар
пойафзалларини
ечганларини кўрган заҳот
пойафзалларини
ечганлари
- ʌ. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг
огоҳлантиришини
эшитиши билан бир
аёлнинг билагузукларини
чиқариши

- ۹. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлнинг чеккасида юриш ҳақидаги буйруғига итоат этиб, хотин-қизларнинг деворларга ёпишиб юришлари
- Тўртинчи аломат Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига ёрдам бериш ва у олиб келган шариатни ҳимоя қилиш
 - ۱. Анас ибн Назр розияллоҳу анҳунинг Аллоҳ йўлида жонларни фидо қилишга чақириши

ва шахсан ўз жонини
фидо этиши

- Ў. Ҳаром ибн Милҳан
розияллоҳу анҳунинг
Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг
даъватини етказгани
сабабли ўлдирилишидан
бахтиёрликни ҳис
қилиши
- Ў. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг
вафоти ва оғир вазиятга
қарамай Абу Бакр
розияллоҳу анҳунинг
Усома розияллоҳу

анҳунинг бўлинмасини
жўнатиши

- ξ. Вазият оғир бўлишига
қарамай Абу Бакр
розияллоҳу анҳунинг
закот бермаган ва диндан
қайтган-муртадларга
қарши жанг қилиши
- ο. Баро ибн Молик
розияллоҳу анҳунинг
душман турган бўстонга
кириб, дарвозани
ичкаридан очиш учун
бўстон ичига отишларини
талаб қилиши

- Ҷ. Ярмук жанггида тўрт юз мусулмоннинг ўлим учун байъат қилишлари
- Ү. Зубайр розияллоҳу анҳунинг ичкаридан дарвозани очиш учун қалъа минорасига чиқиши
- Ҳ. Нуъмон ибн Муқаррин розияллоҳу анҳунинг Аллоҳ таолога мусулмонларга зафар бериши ва ўзига шаҳидликни насиб этиши учун ёлбориши

- 9. Мусулмонларнинг Аллоҳ йўлида жонларини фидо қилиш иштиёқлари
 - Хотима

Муаллиф: Шайх Фазл Илоҳий
Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

КИРИШ

Шубҳасиз барча ҳамдлар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамдлар айтиб, Ундан ёрдам ва мағфират сўраймиз. Нафсимизнинг ёмонликлари ва ёмон амалларимиздан Унга сиғинамиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилгувчи зот йўқдир.

Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Унинг шериги ҳамда тенги йўқ эканига, Муҳаммад Унинг бандаси ва пайғамбари эканига гувоҳлик бераман. Унга, унинг оиласи, саҳобалари ва унга яхшиилк билан эргашган барчага салавоту саломлар бўлсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни барча махлуқлардан кўра кўпроқ суюш, бандаларнинг бурчи эканлигида ҳеч шубҳа йўқдир. Бунинг дунё ва охират ҳаётида катта ижобий самаралари бор. Бироқ, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам севгисини даъво қилган айрим шахслар меъёрдан ошаётган

бўлсалар, айримлари бу муҳаббатнинг маъносини ўта тор олмоқдалар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюшнинг аҳамияти, самаралари ва ҳақиқий маъноси ҳақида аввало ўзимни, сўнгра дўстларимни огоҳ қилиш ҳамда шуурларининг очилишида ёрдамчи бўлиши учун, Буюк Аллоҳнинг мадади билан, **қуйидаги саволларга жавоб** изламоқчи ҳамда бу мавзунини муфассалроқ очмоқчи бўлдим:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюшнинг ҳукми нима?

Бу севгининг дунё ва охиратдаги самаралари нима?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюш аломатлари нима?

Саҳобалар –Аллоҳ улардан рози бўлсин- ҳаётида бу аломатлар қандай зоҳир бўлар эди?

Ва биз қандай ҳолатдамиз?

Бу мавзуни уч баҳсда, [қуйидагича қаламга олдим:](#)

Биринчи баҳс: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бутун махлуқлардан ортиқ суюшнинг зарур экани.

Иккинчи баҳс: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюш самаралари.

Учунчи баҳс: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюш аломатлари.

Ушбу рисола аслида, Қудратли Аллоҳнинг лутфи билан, илк Саудия Арабистони Умумхавфсизлик Бўлими қошидаги Диний Ишлар Доираси тарафидан ҳафтаномада босилиб чиққан, уни баъзи нашриётлар нақл этиб босган эдилар. Шунинг учун мен, **уни қайта кўриб чиқдим**: янги кўшимчалар кўшдим, тузатишлар киритдим.

Буюк ва қудрати чексиз бўлган
Аллоҳ таолодан ушбу қилган
ишимни Ўз ризолигига етиш учун
васила, менга ва буни ўқиган
китобхонларга молу дунё ва
фарзандлар наф бермайдиган бир
кунда фойдали қилишини,
барчамизга Ўзини ҳамда пайғамбари
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва
салламни суюшни насиб этиши
ҳамда мангу неъматлари бўлган
жаннатига у билан бирга киритиб,
марҳаматлар қилишини сўраймиз. У
Аллоҳ – барча нарсани эшитувчи ва
дуоларни қабул қилувчи Зотдир!

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз, Унинг
оиласи, саҳобалари Унга яхшилик

билан эргашган барчага салавоту
саломлар ва баракотлар йўлласин!

БИРИНЧИ БАҲС:
РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИ
БАРЧА МАХЛУҚОТДАН ОРТИҚ
СУЮШНИНГ ЗАРУРАТИ

Табиийки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюш иймоннинг бир парчаси эканида ҳеч шубҳа йўқдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни жон, ота-она, фарзанд, оила аъзолар, молу дунё ва барча инсонларни севгандан кўра кўпроқ суюш зарур эканини ифода этган жуда кўп насс – оят ва

ҳадислар бор. Уни бундай суймаган банда ўзини дунё ва охиратда Аллоҳнинг азобига гирифтор қилади. Қуйида бу насларнинг баъзиларини эслатиб ўтмоқчимиз:

А – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни жонимиздан ҳам ортиқ суюшимизнинг зарурати

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Абдуллоҳ ибн Ҳишом розияллоҳу анҳудан нақл қилди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша пайтда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг

қўлларини ушладилар. Умар розияллоҳу анҳу: "Эй Аллоҳнинг расули! Мен сизни ўз жонимдан бошқа барча нарсадан кўра яхши кўраман!" - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Жоним қўлида бўлган Зот номига қасам ичиб айтаманки, мени ўз жонингиздан ҳам ортиқ суймагунингизча бўлмайди!" - дедилар.

Шу заҳоти Умар розияллоҳу анҳу: "Мана ҳозир Аллоҳга онт ичиб айтаманки, Сизни ўз жонимдан ҳам ортиқ суймоқдаман" деганида расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мана энди бўлди, эй

Умар!"- дедилар (Имом Бухорий ривояти: ۶۶۳۲, ۱۱ / ۵۲۳).

Машҳур олим Авний раҳимаҳуллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Жоним қўлида бўлган Зот номига онт ичиб айтаманки, мени ўз жонингиздан ҳам ортиқ суймагунингизча бўлмас!" сўзларини "Иймони комил бўлмас", "Мана энди бўлди" деган сўзларини эса:

"Иймонингиз камолига етди" дея тафсир қилди ("Умдатул-қорий", ۲۳ / ۱۶۹).

"Жоним қўлида бўлган Зот номига онт ичиб айтаманки" жумласининг диққатни жалб этган томони,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қасам ичишларидир. Зотан, қасам ичмаса ҳам айтган барча сўзлари тўғри бўлган зотнинг сўзлари, қасам ичганидан сўнг қандай бўлиши мумкин?! Чунки қасам, айтилган сўзнинг маъноларини яна ҳам таъкидлаш учун истеъмол қилинади ("Умдатул-Қорий", ۱ / ۱۴۳).

Б - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ота-она ва фарзанддан ҳам ортиқ суюшнинг зарурати

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят

қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Жоним қўлида бўлган зотга онт ичиб айтаманки, сизлардан бирингиз мени отаси ва фарзандидан ортиқроқ суймағунича тўла иймон келтирган бўлмас" (Имом Бухорий: ۱۴; ۱ / ۵۸).

Кўриниб турганидек, ростгўйлиги тасдиқланган Зот қасам ичмоқда (Унга салавоту саломлар бўлсин).

Ажабо, она ҳам (ҳадисда зикри келган) "ота" сўзининг маънолари остига кирадими ёки йўқми? Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ бу саволга қуйидагича жавоб берган: "Агар

"волид" сўзи билан фарзанди бўлган кимсани қасд қилинаётган бўлса, маъно умумийдир. Бошқача қилиб айтсак, икки зиддан бирини зикр қилиш билан кифояланилганидек, бу ерда ҳам мисол ўлароқ келтирилган бир исмдан, бутун севимли инсонлар назарда тутилгандир. Яъни, барча қийматли махлуқлардан ҳам ортиқ суймагунча...", демакдир" (Фатхул-Борий, 1 / 09).

В – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни ўз жуфти, мол-дунёси ва бутун махлуқлардан ҳам ортиқ суюшнинг зарурати

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларини ривоят қилди:
"Банда Мени жуфти, мол-дунёси ва барча инсонлардан кўра ортиқ суймагунча комил мўъмин бўлмас!"
(Имом Муслим ривояти: ᠖᠙, 1 / ᠖ᠮ.
Ушбу ҳадисни айни шаклда Ҳофиз Абу Яъло ўз "Муснад"ида ривоят қилди: ᠓᠕᠑᠐; ᠮ / ᠕).

**Г – Бирон бир махлуқни
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламдан ортиқ суйган кимсага
таҳдид**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ота,
фарзанд, жуфт ёки қариндош-
уруғидан биронтаси, тижорати ёки
турар-жойларини Аллоҳ таоло,
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам ва Аллоҳ йўлида жиҳод
қилишдан кўра ортиқ севган кимсани
илоҳий жазо билан қўрқитмоқда:

"Айтинг: Агар оталарингиз,
фарзандларингиз,
қариндошларингиз, жуфтларингиз,
уруғингиз, эришган бойлигингиз,
инқирозга юз тутишидан қўрққан
тижоратингиз ва рози бўлган турар-
жойларингиз Аллоҳ, Расулуллоҳ ва
Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан кўра
севимлироқ бўлса, Аллоҳ амри

(азоби)ни олиб келгунича кутинг!
Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят
қилмас!" (Тавба: ۲۴).

Ҳофиз ибн Касир раҳимаҳуллоҳ
ушбу оятни: "Яъни, Аллоҳ,
Расулуллоҳ ва Аллоҳ йўлидаги
жиҳоддан севимлироқ бўлса, бунинг
бошингизга келтирадиган жазосини
кутинг!" - дея тафсир қилди
(Рофиъий "Мухтасару ибн Касир", ۲ /
۳۲۴).

Мужоҳид ва Ҳасан раҳимаҳуллоҳлар
Аллоҳ таолонинг "Аллоҳ ўз амри
(азоби)ни олиб келгунича" оятини:
"Дунё ёки охиратда унинг жазосини

кутингиз!" дея тафсир қилдилар
(Қуртубий, ۸ / ۹۵-۹۶).

Буюк аллома Замахшарий
раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида:
"Бу ояти карима жуда ҳам оғир
ҳукмни ўз ичига олган. Бундан кўра
оғирроқ ҳукмни ўз ичига олган
бошқа бир оятни кўрмайсиз"- деди
(Кашшоф, ۲ / ۱۸۱).

Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ эса:
"Ояти каримада Аллоҳ ва Унинг
расулини суюшнинг фарз эканига
ҳужжат бор. Бу ҳукмга барча
уламолар яқдил фикр билдирганлар.
Ўзига хос бу муҳаббат, севилган
барча нарсдан олдин келиши

шартдир"- деди (Қуртубий, ۸ / ۹۵.
Шайх Абу Бакр Жазоирӣ "Айсарут-
Тафасир" ۲ / ۱۷۷).

ИККИНЧИ БАҲС: **РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ** **АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИ** **СҮЮШНИНГ САМАРАЛАРИ**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг севгимизга эҳтиёжи йўқ эканини айтишга ҳожат бўлмаса керак. Бизнинг севгимиз унинг мақомини кўтармаганидек, севмаслигимиз унинг мақоми ва шарафини пасайтирмайди. Қандай ҳам пасайтирсин? Ахир у - Оламлар Роббиси суйган банда-ку!!

Бундан ташқари, ундан ўрнак олиб эргашган кимсани Аллоҳ яхши кўради ва гуноҳларини кечиради: .
«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Оллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир». (Оли Имрон: ۳۱).

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг муҳаббатидан уни суйганларгина фойдаланиб, дунё ва охиратдаги бахт-саодатни қўлга киритадилар. Шу ерда бу бахтиёрликни тафсилоти билан баён

қилиш учун мисоллар келтирсак
фойдадан холи бўлмаса керак.

**۱. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи
ва салламни суюш, иймон
лаззатини қўлга киритиш
сабабларидан биридир.**

Қудратли Роббимиз иймон лоззатини
қўлга киритиш учун сабаблар
шодасини териб қўйди. Улардан
бири - Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи
ва салламни Борликдаги барча
мавжудотдан кўра ортиқроқ
суюшдир. **Имом Бухорий ва имом
Муслим раҳимаҳумаллоҳлар Анас
розияллоҳу анҳудан қилган
ривоятларида Расулуллоҳ соллалоҳу**

алайҳи ва саллам шундай дедилар:
 "Уч хислат борки, улардан биронтаси кимда бўлса, у одам иймон лаззатини топади: Аллоҳ ва расулини бошқалардан кўра кўпроқ суймоқ, севган кишисини Аллоҳ учун севмоқ ва оловга ташланишини ёқтирмаганидек куфрга қайтишни ёқтирмаслик" (Имом Бухорий, 16; 1 / 10; Имом Муслим: 43; 1 / 11. Бу ерда келтирилган лафз Имом Бухорийникидир).

Уламолар айтган сўзларга қараганда, иймон ҳаловатини топишнинг маъноси – ибодатлардан лаззат олиш, дин йўлидаги машаққатларга сабр қилиш ва буни дунё

манфаатларидан устун кўриш,
демакдир (Нававий шарҳи, "Фатҳул-
Борий": ۱ / ۶۱).

Аллоҳим! Эй Оламлар Роббиси,
бизни бу ширин меванинг тотидан
махрум этма!

۲. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламни суйган у билан охиратда бирга бўлади

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва
салламни суйган банда охиратда,
албатта, у билан бирга бўлади.

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ Анас
розияллоҳу анҳудан нақл қилган
ривоятда шундай дейилади: "Бир

одам расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб: "Эй Аллоҳнинг расули, Қиёмат қачон бўлади?", деб сўради. **Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам:** "Қиёмат учун нимани ҳозирладинг?"- дедилар. **Ҳалиги одам:** "Аллоҳ ва расулига бўлган севгини!"- деб жавоб берди. **Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам:** "Ҳеч шубҳа йўқки, сен суйганларинг билан бирга бўласан"- дедилар". **Анас розияллоҳу анҳу:** "Ислом динини қабул қилган кунимиздан буён Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг "Ҳеч шубҳа йўқки, сен суйганларинг билан бирга бўласан" деб айтган

сўзларидан севинганимиздек севинмаган эдик", деди.

Анас розияллоҳу анҳу: "Мен Аллоҳ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумоларни яхши кўраман. Менинг қилган амалларим уларнинг қилган амаллари олдида арзимас бўлсада, улар билан бирга бўлишни орзу қиламан"- деди (Имом Муслим, ۲۶۳۹; ۴ / ۲۰۳۲ – ۲۰۳۳. Бунга ўхшаган бир ҳадисни имом Бухорий ҳам ривоят қилди. Қаранг: ۶۱۶۷; ۱۰ / ۵۵۳).

Имом Бухорий ва имом Муслим келтирган бошқа бир ривоятда

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай деди: "Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб: "Эй Аллоҳнинг расули, бир жамоани яхши кўришига қарамай улардек яхши амалларни қила олмаган одам ҳақида нима дейсиз?" - деб савол берди. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Киши ўзи суйган одамлар билан бирга бўлади", деб жавоб бердилар" (Имом Бухорий: 6169; 10 / 557; Имом Муслим: 2640; 8 / 2034. Ҳадис лафзи имом Бухорийникидир).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Киши ўзи суйган

одамлар билан бирга бўлади"
дейишларидан мақсад: "У билан
жаннатда бирга бўлади", демакдир
(Умдатул-Қорий, ۲۲ / ۱۹۷).

Аллоҳу Акбар! Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламни
суйган кимсанинг мукофоти нақадар
катта экан-а!!

УЧИНЧИ БАҲС: РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА

САЛЛАМНИ СУЮШ АЛОМАТЛАРИ

КИРИШ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни суюшнинг бир неча

аломатлари бор. Уламолар ушбу мавзу ҳақида баъзи фикрларни билдирганлар. Масалан, **Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ шундай деган:**

"(Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатиға ёрдамчи бўлиш, шариатини ҳимоя қилиш, унинг ҳаётлик даврида ҳузурига шошилиб, унинг йўлида жонини фидо ва бойликларини сарф қилиш Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламни суюшликдандир."

(Нававий шарҳи: ۱۱/۱۶).

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ шундай деди: "Мазкур муҳаббатнинг аломатларидан бири қуйидаги ҳолатда маълум бўлади. Имконида

бўлган бир мақсади билан,
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни кўришдан маҳрум қолиш
ўртасида танлов ихтиёри берилган
одам, агар Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламни кўришдан
маҳрум қолмасликни танласа, унинг
муҳаббати самимийдир. Йўқса,
самимий эмасдир. Бу топиш билан
йўқотиш (маҳрум бўлиш)гагина
чекланган эмас. Балки бунинг
мисоли Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг суннатига
ёрдамчи бўлиш, шариатини ҳимоя
қилиш, унга мухолиф бўлганларни
бартараф қилишда ҳам кўринади.
Яхшиликка буюриб, ёмонликдан

қайтариш ҳам, шу жумладандир"
("Фатҳул-Борий", ۱ / ۵۹).

Аллома Авний раҳимаҳуллоҳ
шундай деди: "Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат
қилишни хоҳлаш ва Унга хилоф
бўлган ишларни тарк этиш -
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни суюш аломати эканини
унутманг. Ҳолбуки бу, Ислом
фарзларидан биридир" ("Умдатул-
Қорий": ۱ / ۱۴۴).

Уламоларнинг мазкур сўзларидан
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламга бўлган муҳаббат
аломатларининг баъзилари

қуйидагилар эканининг хулосасига боришимиз мумкин:

۱. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни севиш ва ундан маҳрум қолишни ўзи учун сеvimли энг қимматли нарсани йўқотишдан кўра оғирроқ мусибат деб билиш.

۲. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун жони ва молини фидо этиш учун доимо тайёр туриш.

۳. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиб, таъқиқларидан узоқ бўлиш.

ξ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини амалга оширишда ёрдамчи бўлиш ва Унинг шариатини ҳимоя қилиш.

Ўзида ушбу аломатларни кўрган инсон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатга муваффақ қилган Аллоҳга ҳамд айтсин ва ундан бу муҳаббатда мудом қолиш учун сабот беришини сўрасин. Бу муҳаббатдан бутунлай ёки қисман маҳрум бўлган инсонлар эса, на фарзанд ва на мол-дунё фойда бермайдиган ўзгача бир кунга етиб келишдан аввал, ўзини ҳисоб-китоб қилсин! Зеро, у кунда банданинг қилган ҳар бир амали ошкор бўлади.

Шундай экан, у Аллоҳ ва мўъминларни алдаш у ёқда турсин, алдашни хаёлига ҳам келтирмасин! Чунки, Аллоҳ таолони алдамоқчи бўлган кимсалар ўзларинигина алдайдилар. «Улар Оллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар.» "Аллоҳ ва мўъминларни алдамоқчи бўладилар, бироқ, ўзларидан бошқасини алдамаслар. (Шундай бўлсада) буни билмайдилар" (Бақара: 9).

Қудратли Аллоҳнинг мадади билан саҳобаларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга

бўлган муҳаббатларини қоғозга тушураётганман, биз мусулмонларнинг ҳозирги ҳолимизга ҳам бир назар ташлаб ўтмоқчиман. Шояд Аллоҳ таоло ҳолимизни ислоҳ этиб, бизни тўғри йўлга йўлласа. Ҳар бир аломатни алоҳида бир сарлавҳа остида келтиришга ҳаракат қиламан.

Биринчи аломат: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш ва унга суҳбатдош бўлишни орзу қилиш ҳамда булардан маҳрум бўлишни дунёдаги энг қимматли нарсадан маҳрум қолишдан кўра оғирроқ мусибат деб билиш

Маълумки, инсоннинг орзу қилиб, севиши мумкин бўлган катта нарса — суйган кимсасини кўриш ва унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлишдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйган ҳар бир одам, шубҳасиз, Уни кўриш ва Унинг суҳбатида иштирок этишни орзу қилади. Дунё ва охирада У билан бирга бўлишни умид қилади. Бундай бахтга эришишни бутун иштиёқи билан кутади. Агар бу бахтиёрлигига дунё неъматларининг барчасини қиёсланса, у бу бахтни танлайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғурурли юзига боқиб

севинса, суҳбатдош бўлиш билан саодат шуурини ҳис этади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш ва унга суҳбатдошликдан маҳрум қолиш кўрқуви уни қайғуга солади, Ундан узоқда қолиш, унинг кўзларидан ёшларни оқизади.

Қуйида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган кимсаларнинг лол қолдирувчи баъзи ишларини қаламга оламиз:

1. Абу Бакр ас-Сиддик розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга

Хижрат қилишини эшитгани он, кўз ёши тўккани

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ онамиз Оиша розияллоҳу анҳодан ушбу ривоятни келтирди: "Кунларнинг бирида пешин иссиғи куйдирган бир пайтда бир киши Абу Бакрга: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошини ўраб келмоқдалар", деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай вақтда бизникига келмас эдилар.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу: "Ота-онам Унга фидо бўлсин! Аллоҳга қасамки, Уни бу вақтда келишга ўта

муҳим бир иш мажбур қилган бўлса керак"- деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етиб келиб, кириш учун изн сўрадилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу унга изн берди. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр розияллоҳу анҳуга:** "Ёнингизда ким бўлса, ташқарига чиқаринг!"- дедилар. **Абу Бакр розияллоҳу анҳу:** "Отам Сизга фидо бўлсин, ёнимда бўлганларнинг барчаси Сизнинг оилангиздир"- деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳижрат қилиш учун менга рухсат берилди", дедилар. **Абу Бакр**

розияллоҳу анҳунинг: "Отам Сизга фидо бўлсин! Мен ҳам сиз билан бирга бўламанми?", деб берган саволига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳа"- деб жавоб бердилар" (Имом Бухорий: ۳۹۰۵; ۷ / ۲۳۱).

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ушбу сафарнинг машаққат ва таҳликаларини жуда яхши биларди. Бирок, бу унинг Расулуллоҳ оллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳамроҳликка на заррача таъсир кўрсатди ва на унга бўлган муҳаббатини камайтира олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг истагига ижобий жавоб

берганини эшитган пайтда,
кўзларидан севинч ёшлари оқа
бошлади.

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ
деди: "Ибн Исҳоқ ривоятида шундай
зиёда бор: "Оиша розияллоҳу анҳо:
"Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг
йиғлаганини кўрдим. Мен шу пайтга
қадар севинчдан одам йиғлайди деб
ўйламас эдим"- деди" ("Фатҳул-
Борий", ۷ / ۲۳۰. Ибн Ҳишом, "ас-
Сийратун-набавийя", ۲ / ۹۳).

**۲. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
ва салламнинг ёнларига келиши
сабабли ансор-мадиналикларнинг
севиниши**

Ансор киром Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юртларига хижрат қилгани ва у зотни кутиб олиш хабарини шавқ билан эшитдилар. Сунан-ҳадис ва сийрат китоблари уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кутиб олиш шавқлари ва улар ҳузурига келишлари сабабли севинчларини тасвир этган ифодаларни бизга қадар етказди. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан Расул Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламни Мадинанинг ташқарисидаги Ҳаррада қандай

кутганларини нақл қилмоқда. Унинг ривоятида шу жумлалар бор:

"Мадинадаги мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Маккадан чиққанликларини эшитган эдилар. Шунинг учун ҳам улар, ҳар куни Ҳаррага чиқишар ва чошгоҳ ҳарорати қовурмагунича у ердан жилмас эдилар. Кунларнинг бирида узоқ кутганларидан кейин уйларига қайтдилар. Улар уйларига кириб бўлишгач, бир яҳудий яҳуд қалъаларидан бирининг устига нимагадир қараш учун чиқди ва олисдан саробларда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай келаётган оппоқ

кийимдаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ҳамроҳини кўрди-да: "Эй араблар, сиз кутган соҳиббингиз келмоқда!",- деб бор овози билан ҳайқиришдан ўзини тута олмади.

Мусулмонлар зудлик билан қуролларини қўлга олдилар ва Ҳарранинг ортида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кутиб олдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар билан бирга ўнг тарафга қараб йўл олдилар ва Амр ибн Авф қабиласида қўноқладилар" (Имом Бухорий: ۳۹۰۶; ۷ / ۲۳۹).

Аллоҳу Акбар! Мадиналиклар
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни кутиб олиш учун нақадар
шавқли ва самимий эдилар! Ҳар куни
эрталаб Ҳаррага чиқишар ва чошгоҳ
ҳарорати қовургандагина уйларига
қайтар эдилар!

Ибн Саъд раҳимаҳуллоҳнинг
ривоятида: "чошгоҳ иссиқлари
куйдирганидагина уйларига қайтар
эдилар" жумласи ("ат-Табакотул-
кубро", 1 / 233), Ҳоқимнинг
ривоятида эса: "Пешин иссиғи
безовта қилмағунича кутиб турар
эдилар" жумласи бор ("ал-
Мустадрок", 3 / 11).

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг ансорлар тарафидан
Мадинада қуйидагича кутиб
олинганини ҳам ривоят қилди. **Анас
розияллоҳу анҳу деди:** " Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам
Ҳарранинг ён тарафида
қўноқладилар. Сўнгра, ансорларга
келганлари ҳақида хабар юбордилар.
Хабарни эшитган ансорлар
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам ва Абу Бакр розияллоҳу
анҳунинг олдига келиб, **салом
бердилар ва:** "Ҳар икковингиз
омонликда ва итоат қилинган ҳолда

уловларингизга мининглар!"-
дедилар.

Шундан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу уловларига миндилар. Қуролланган одамлар уларни орқа томонларидан ўраб олдилар. Мадина аҳли "Набиюллоҳ (Аллоҳнинг пайғамбари) келдилар! Набиюллоҳ келдилар!" дейишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлга чиқдилар ва Абу Айюб розияллоҳу анҳу хонадонининг яқинига етганларида тўхтадилар" (Имом Бухорий: ۳۹۱۱; ۷ / ۲۵۰).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятга караганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳуни кутиб олиш учун беш юзга яқин мадиналик чиққан эди. Уларнинг ёнига етиб келган ансорлар: "Икковингиз ҳам омонлик ва итоат қилинган ҳолингизда юрингиз!" - дедилар ("ал-Фатҳур-Роббаний ли тартиби Муснадил-имам Аҳмад ибн Ҳанбал": 100; 20 / 291). Ушбу ҳадисни имом Бухорий ҳам "ат-Тарихус-сағир"да ривоят қилди. Қаранг: "Фатҳул-Борий", 4 / 200. Шайх Аҳмад Банно имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ ривоят қилган

ҳадис саҳиҳ эканини баён қилди.

Қаранг: "Булуғул-амоний", ۲۰ / ۲۹۲).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам ва Абу Бакр розияллоҳу
анҳуни мадиналиклар қандай кутиб
олганларини Абу Бакр розияллоҳу
анҳунинг тилидан қуйидагича ривоят
қилди: " Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам (ва мен) йўлда
давом этдик ва Мадинага етиб
келдик. Одамлар Расулуллоҳни
кутиб олиш учун йўл ёқаси ва
томлар устига чиққан эдилар.

Чўрилар ва болалар югуришиб:

"Аллоҳу Акбар! Расулуллоҳ
келдилар" Мухаммад келдилар!"- деб

қичқирар эдилар. Мадина аҳлининг ҳар бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўз уйда меҳмон қилиш учун бир-бири билан талашар эди... ("ал-Муснад": ۳; ۱ / ۱۰۰. Шайх Аҳмад раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадиснинг санади саҳиҳ эканини айтди).

Анас розияллоҳу анҳу ушбу муборак кунда кўрганларини қуйидагича эслади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Мадинага кириб келганларидек бошқа нурафшон ва гўзал кунни ҳеч ҳам кўрмадим" (Имом Аҳмад ривояти.

"ал-Фатхур-Роббаний": 102; 20 / 290).

Бароъ ибн Озиб розияллоху анху мадиналикларнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ва Абу Бакрнинг келиши муносабати билан кўрган севинчларини қуйидагича баён қилди: "Мадиналикларнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сабабли севинганларидек, бошқа бир нарса сабабли севинганларини ҳеч ҳам кўрмадим" (Имом Бухорий: 3920; 7 / 260).

Ў. Саҳобаларнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг

дўст бўлмай қолишларидан қўрқишлари

Аллоҳ таоло ансор-мадиналикларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳоба бўлиш шарафига муяссар қилди. Саҳобалар бу шарафдан ажралиб қолишдан қўрқиб, бу шарафни имкони борича қўларида сақлаб қолиш учун барча чорани кўрар эдилар. Бунинг далилларида бири Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг Макка фатҳини зикр қилар экан, **тилга олган ушбу сўзларидир:**

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага яқин ерга етиб

келдилар-да, Зубайр розияллоху анҳуни бир қанотга, Холид розияллоху анҳуни эса иккинчи қанотга қўмондон қилиб таъйинладилар. Абу Убайда розияллоху анҳуни эса зирҳсиз бўлинмага қўмондон қилиб таъйинладилар. Улар водийнинг ўртасидан юрдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга ҳам катта бир жамоа бор эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам боқдилар ва мени кўрдилар-да: "Абу Ҳурайра" дедилар. "Лаббай, ё Расулуллоҳ?!"- дедим. **Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:** "Менинг атрофимга ансорлардан

бошқа кимса келмасин... кейин, сизлар билан Сафо (тепалиги)да кўришамиз!" - дедилар.

Биз ҳам йўлга тушдик. Ичимиздаги ҳар бир киши ҳоҳлаган (қурайшлик) кишини ўлдирар, Қурайшликлар бизга қарши ҳеч нарса қилмас эди. (Яъни ҳеч ким ўзини мудофаа қила олмаётган эди. Қаранг: Нававий шарҳи: ۱۲ / ۱۲۷). Абу Суфён Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб: "Ё Расулуллоҳ, қурайшликларнинг кўпчилиги ўлдирилди. Энди бундан кейин Қурайш бўлмайди" - деди

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким Абу Суфённинг уйига кирса, у омондадир!"- дедилар. **Буни эшитган ансорлар:** "Энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз шаҳрига рағбат қилиб, қабиласига меҳру шафқат кўрсатади"- дедилар.

Шу аснода ваҳий келди. **Ваҳий тугаши биланоқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Эй, ансорлар жамоаси!"- дедилар. **Ансорлар:** "Лаббай!"- дедилар. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Сизлар бу одам энди ўз шаҳрига рағбат қилиб қолди!" дедингизми?"- деб сўрадилар.

Ансорлар: "Ҳа, шундай гап оғзимиздан чиққан эди"- деб жавоб бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Асло! Шубҳасиз, мен Аллоҳнинг қули ва расулиман. Аллоҳ учун сизнинг диёрингизга ҳижрат қилдим. Мен учун ҳаёт - сизнинг ҳаётингиз, мамот эса - сизнинг мамотингиз!"- дедилар.

Ансорлар кўзларида ёш билан: "Аллоҳ номига қасамки, биз у сўзларни Аллоҳга ва сизга бўлган ҳарислигимиздан айтган эдик!"- дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ ҳам, Унинг расули ҳам сиз айтган сўзларнинг тўғри эканини тасдиқлайдилар ва узрларингизни қабул этадилар"- дедилар (Имом Муслим: ۱۷۸۰; ۳ / ۱۴۰۵).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадисни шарҳлар экан шундай дейди: "Ансорлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маккаликларга шафқати ва уларни ўлдирмасликка ҳаракат қилишларини кўргач, "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам энди Маккада мудом қолиб, биздан айрилиб Мадинага қайтмас эканлар-

да!", деб ўйладилар. Бу ҳолат улар учун жуда ҳам оғир эди. Ўша пайтда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло пайғамбарига ваҳий қилди ва уларнинг бу ҳолатини билдирди. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қуйидаги маънода хитоб қилдилар:**

"Мен Аллоҳ йўлида сизларнинг диёрингизни ватан қилиш учун ҳижрат этдим. Буюк Аллоҳ учун қилган ҳижратимдан воз кечмайман ва сизларни ҳам тарк этмайман. Аксинча, сизлар билан бирга бўламан. Ҳаётим – сизнинг ҳаётингиз, мамотим – сизнинг мамотингиздир! Яъни, мен сизлар

билан бирга яшаб, сизлар билан бирга ўламан!".

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўзларни айтганларидан сўнг, ансорлар йиғлаб кўз ёшлари тўкиб, **узр сўрадилар ва:** "Аллоҳ номига онт ичиб айтамызки, бир оз аввал айтган гапларимизни сизга бўлган муҳаббатимиз, сиз билан ҳамсуҳбат бўлиб, баракотингиздан фойдаланиш ва бизни тўғри йўлга етаклашингизни умид қилиб, ёнимизда мудом қолишингиз учун айтган эдик. Чунки, **Аллоҳ таоло:** "Сиз тўғри йўлга етакловчисиз", деб айтмоқда"- дедилар (**Шуро: ۵۲**).

Ансорларнинг: "Биз Сизни қизғанганимиз ва эҳтиёт қилганимиз учун эди"- деб айтган сўзларининг маъноси шу эди. Яъни, "Биз Сизнинг биздан айрилишингизни хоҳламадик, Балки, биз билан бирга қолишингизни хоҳладик. Биз сизни қизғандик"- демоқчи бўлдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини тинглаганларидан кейин йиғлашларининг сабаби эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳижолат қиладиган сўзларни айтишлари эди. (Имом Нававий шарҳи: ۷ / ۱۲۸ – ۱۲۹).

Ё. Бир саҳобанинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни жаннатда кўра олмасликдан кўрқиши

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган бошқа бир саҳобани кўрмоқдамиз. Бу киши ўзи ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлими, ўзининг жаннатга кирсада, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарлар билан бирга юксак мақомларда бўлишини билиб, унинг юзини жаннатда кўра олмаслигини ўйлаб кўрқиб кетди.

Имом Табароний раҳимаҳуллоҳ
мазкур саҳобани онамиз Оишаи
Сиддиқа розияллоҳу анҳонинг
тилидан бизга шундай ривоят қилди:

"Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг ҳузурларига
келиб: "Ё расулуллоҳ, сизнинг менга
жонимдан ҳам, фарзандларимдан
ҳам суюкли эканингизда ҳеч шубҳа
йўқдир. Бироқ, ўз уйимда эканман
сизни хотирлайман ва сизни яна бир
марта кўрмасам ҳузурим бузилади.
Ўзимнинг ва сизнинг ўлишимизни
ўйлар эканман, пайғамбарлар билан
юксак-олий мақомларда бўлганингиз
учун, мен жаннатга кирсам ҳам,

сизни кўра олмасмикинман, деб қўрқаман"- деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам индамадилар. **Ниҳоят Жибрил алайҳиссалом:** "Кимда-ким Оллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Оллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайғамбарлар ҳақ-рост иймон эгалари, шаҳидлар ва солиҳ кишилар билан бирга бўладилар."- оятини олиб келди **(Нисо: 79)** ("Мажмауз-заваид", Ҷ / Ҷ. **Ушбу ҳадис ҳақида Хайсамий шундай деди:** "Бу ҳадисни Табароний "ал-Муъжамус-сағир" ва "ал-Муъжамул-авсат"да ривоят қилган бўлиб, унинг Абдуллоҳ ибн

Имрон Обидий раҳимахуллоҳдан бошқа барчаси саҳиҳ ҳадислар ровийларидир. У ҳам ишончли ровийлардандир"- деди.

Бу ҳадисни айни шаклда ибн Мардвайҳ ва Абу Нуайм раҳимаҳумаллоҳлар "ал-Ҳиля" китобида, Зиё ал-Максидий раҳимахуллоҳ "Сифатул-жаннати" китобида ривоят қилдилар.

Макдсий раҳимахуллоҳ: "Унинг санадида зарарли бирон нарса кўрмадим"- деди. **Қаранг:** "Зодул-Масир", ۲ / ۱۲۶ (ҳошияси).

◦. Рабийъа розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам билан бирга бўлишни орзу қилиши

Севимли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйган саҳобалардан бири ундан бир нарсани сўраш имконини қўлга киритди. Бу саҳоба Аслам қабиласига мансуб Рабийъа ибн Каъб розияллоҳу анҳу эди. **Унинг орзуси нима эди? Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ унинг орзусини ўз тилидан бизга шундай нақл қилди:** "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кечалари бирга қолар эдим. У зотнинг эҳтиёжларини бажарар ва таҳорат сувларини олиб келар эдим. **Бир куни Расулуллоҳ**

соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга:
"сўра"- дедилар. Мен: "Жаннатда сиз
билан бирга бўлишни хоҳлайман!"-
дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам: "Ундан
бошқа нарса ҳамми"- дедилар. Мен:
"Менинг тилагим ўшагинадир"-
дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам: "Ундай бўлса, кўп
сажда қилиб (кўп намоз ўқиб) менга
ёрдам бер!"- дедилар" (Имом
Муслим: 489; 1 / 303).

Бу одам - самимий суйган одамдир!
Чунки у, бир нарса тилаш фурсатини
биринчи ва иккинчи марта кўлга
киритишига қарамай, танлашда
тараддуд этмади. Ҳатто, танлаган

нарсасининг ўрнига бошқа нарсани хаёлига ҳам келтириб қўймади!

7. Ансорларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қўй ва туя сурувларидан афзал кўришлари

Бундай танловда Рабийъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоҳу анҳу танҳо эмас эди. Аксинча, барча саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай суяр эдилар.

Хунайн жанггидан сўнг ансорларга ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёки (ўлжа қилиб олинган сон-саноксиз) қўй ва туя сурувларини танлаш ихтиёри

берилди. Улар одамларнинг дунё матоҳлари билан, ўзларининг эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга уйга қайтишини танладилар. **Сунан ва сийрат китоблари бу ҳолатни шундай баён қилган:**

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим розияллоҳу анҳунинг шундай деганини ривоят қилди: "Буюк Аллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳунайн куни ўлжалар инъом этди ва пайғамбаримиз уни қалбларни Исломга яқинлаштириш мақсадида янги исломга кирган одамларга

тарқатдилар, ансорларга эса бирон нарса бермадилар. Бундан ансорлар хафа бўлгандай бўлдилар. **Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга хитоб қилиб:** "Эй, ансорлар жамоаси! Мен сизларни адашган ҳолатда топмадимми ва Аллоҳ сизларни мен сабабли ҳидоятга йўлламадимми?! Сизлар пароканда эдинглар, Аллоҳ қалбларингизни мен сабабли бирлаштирмадимми?! Сизлар фақир ва мискин эдинглар, Аллоҳ мен сабабли сизларни бой-бадавлат қилмадимми?!"- дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима десалар, **улар:** "Аллоҳ

ва расули миннат қилишга ҳақлироқ"- дер эдилар.

(Абу Саид розияллоҳу анҳунинг ривоятида шундай дейилган: "Эй Аллоҳнинг расули, биз сизга нима деб ҳам жавоб беришимиз мумкин?! Ҳақиқат шуки, лутф ва миннат - Аллоҳ ва расулиникидир!"- дедилар" ("Фатҳул-Борий": ʌ / ۵۰)).

Расуулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Агар ҳоҳласангиз, сиз бу ерга ундай бундай ҳолатда келган эдингиз, деб айтишингиз мумкин.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳудан қилган

ривоятида шундай дейилган: "Бизга кўрқиб келдингиз, биз сизга омонлик бердик. Сиз бизга қувғин ҳолатда келдингиз, биз сизга турар-жой бердик. Ёрдамчисиз келдингиз, биз сизга ёрдамчи бўлдик!",
демайсизларми!".

Одамлар қўй ва туялар билан уйларига қайтсалар, сизлар уйлариңизга Аллоҳнинг пайғамбари билан қайтишга рози эмасмисиз?!

Зухрий раҳимаҳуллоҳнинг ривоятида: "Одамлар молу-дунёлари билан уйларига кетганларида..." дейилган (Аввалги манба).

Агар ҳижрат бўлмаса эди, мен ансорлардан бири бўлар эдим. Агар одамлар бир водий ёки сўқмоқдан юрсалар, мен ансорлар юрган водий ва сўқмоқдан юраман. Ансорлар ички, бошқа одамлар эса ташқи кийимдирлар. (Яъни, ички кийимдан мақсад, унинг инсон баданига бевосита тегиб туриши, ташқи кийимдан мақсад эса, ички кийим устидан кийилган кийимдир. Бу таъбир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ансорларга ўта яқинлигини ифода этиш учун истеъмом қилинган. Бундан ташқари улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хос одамлари экани ва

бошқа одамлардан кўра уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқинроқ эканликларини билдирмоқда. (Аввалги манбаъ: Ү / ۵۲).

Сизлар мендан кейин худбин одамларга дуч келасизлар. (Аввалги манбаъ: ۸ / ۵۲)). Ҳавз олдида мен билан учрашгунча, сабр қилингиз!" (Имом Бухорий: ۴۳۳۰; ۸ / ۴۷).

Абу Саид розияллоҳу анҳунинг ривоятида шу кўшимча бор: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳим, ансорларга, ансорларнинг фарзандлари ва

набираларига раҳмат айла!"- дедилар".

Абу Саид розияллоҳу анҳу:

"Ансорларнинг барчаси соқоллари ҳўл бўлгунича йиғладилар ва:

"Қисмат ва насибамиз бўлган

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлишга

розимиз!"- дедилар ("[Фатхул-Борий](#)": 8 / 52).

Имом ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ

деди: "Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам уларга қилган

муомалалари билан англай

олишмаган бир ҳикматни

тушунтирганларидан кейин, итоат

билан бўйсуниб, айтган сўзларидан қайтдилар ва энг катта файъ-улуш — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари билан бирга қайтиш эканини тушундилар. Ўлжа ўлароқ қўлга киритилган хотин-қиз ва болалардан иборат асирлар, қўй ва туя сурувларини олмаслик бадалига ҳаётлари ва ўлимларидан сўнгра ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қўшни бўлиб қолишга эришиб, тасаллий олдилар" ("Фатҳул-Борий": ۸/۴۹).

۷. Умар розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин ерда дафн қилиниш орзуси

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган бошқа бир шахсни кўрмоқдамиз. У – Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудир. Фоний дунёдан мангулик диёрига кўчар экан, унинг бирдан бир орзуси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бир ерда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қўшни ўлароқ дафн қилинишдир.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг Амр ибн Маймун (**Муборак маъносида**)дан нақл этган ривоятга кўра, **Умар бин Хаттоб шундай деди:** "Эй, Абдуллоҳ ибн Умар, мўъминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурига бор ва "Умар сизга салом

айтяпти" де. Фақат, мўъминлар амири, деб айтма. Чунки, мен бугун мўъминларга амир эмасман. **Сен унга:** "Умар ибн Хаттоб ўзининг икки дўсти ёнига дафн қилиниш учун рухсат сўраяпти"- деб айт".

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу онамиз Оиша розияллоҳу анҳога салом берди ва киришга рухсат сўради, кейин унинг ҳузурига кирди. Онамиз Оиша розияллоҳу анҳони йиғлаб ўтирган ҳолда топди. "Умар ибн Хаттоб сизга салом айтмоқда ва сиздан икки дўсти ёнига дафн қилиниш учун рухсат сўрамоқда"- деди.

Оиша онамиз: "У (ерга дафн қилиниш)ни ўзим учун хоҳлар эдим. Бироқ, у ерни унга илиндим"- дедилар.

Абдуллоҳ қайтганида: "Ана, Абдуллоҳ ибн Умар келаяпти"- дедилар. Бунни эшитган Умар розияллоҳу анҳу: "Мени ўтиргизинглар!"- деди. Бир одам уни ўзига суяб ўтиргизди. Умар розияллоҳу анҳу: "Нима гап"- деди. Абдуллоҳ: "Сиз хоҳлаган нарса, эй амирул мўъминийн! Сизга рухсат бердилар"- деб жавоб берди.

Умар розияллоҳу анҳу шундай дедилар: "Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Мен учун бундан кўра муҳимроқ бошқа нарса йўқ эди. Вафот этсам, мени кўтариб олиб боринглар, **Оиша розияллоҳу анҳога салом бер ва:** "Умар ибн Хаттоб рухсат сўраяпти"- деб айт. Агар менга изн берса, хонага олиб кириб келинглар. Агар рад қилса, мени мусулмонлар қабристонига қайтаринглар!" (Имом Бухорий: ۳۷۰۰; ۷ / ۶۰-۶۱).

۱. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан айрилиш вақтининг яқинлашганини англаши билан йиғлашлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни сидқидилдан суйган Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларидан ажаллари яқинлашганининг хулосасини чиқариб, ўзини тута олмай йиғлай бошлаганини кўрмоқдамиз.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ унинг ҳикоясини Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳунинг ушбу сўзлари билан бизга нақл қилди:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ваъз қилиб, шундай дедилар: "Аллоҳ бир қулига дунё билан Ўз ҳузуридаги нарсалар

ўртасини танлаш ихтиёрини берди. Ҳалиги қул Аллоҳ ҳузуридаги нарсаларни танлади". (Абу Саид розияллоҳу анҳу деди): "Буни эшитган Абу Бакр розияллоҳу анҳу йиғлади. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг йиғлашидан ажабландик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам танлов ихтиёри берилган бир қул ҳақида хабар бераётган бўлсалар?. (Кейин билсак,) танлов ихтиёри берилган қул Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу ичимиздаги энг билмдонимиз экан!" (Имом Бухорий: ۳۶۵۴; ۷/۱۲).

Муовия ибн Аби Суфён розияллоҳу анҳудан нақл қилинган бошқа бир ривоятда шундай дейилган: "Буни Абу Бакр розияллоҳу анҳудан бошқа ҳеч ким тушунмади. **Шунинг учун у йиғлаб:** "Ота-оналаримиз ва фарзандларимиз сизга фидо бўлсин!" - деди" ("**Мажмаъуз-заваид**": 9/42. Ушбу ҳадис ҳақида **Ҳайсамий раҳимаҳуллоҳ:** "**Санади ҳасандир**" - деди (Аввалги манбаъ: 9/43).

9. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни вафотларидан сўнгра хотирлаганида йиғлаши

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламни вафот этганларидан сўнг хотирлаб, йиғлаганини кўрмоқдамиз. Бунимом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда ўқиймиз: "Мен Абу Бакр розияллоҳу анҳуни шу минбар устида туриб қуйидаги сўзларни айтганини эшитдим; "Мен ўтган йили Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламдан худди мана шу кунда эшитгандим, деди-да, кейин унга йиғи ғолиблик қилди. Сўнгра шундай деди: "Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: "Ихлос

калимасидан сўнгра сизга офиятдек бирон нарса берилмаган. Шунинг учун Аллоҳдан офиятни тиланглар!" ("Муснад": ۱۰; ۱/۱۵۸-۱۵۹. Шайх Аҳмад Муҳаммад Шокир бу ҳадиснинг санади саҳиҳ эканини айтди. Қаранг: "Муснад": ۱/۱۵۸-саҳифадаги ҳошия).

Бошқа бир ривоятда шундай дейилмоқда: "Йиғи уни уч марта гапиришдан тўхтатиб қўйди. Сўнгра дедики... дея сўзларининг қолган қисмини зикр қилди (Аввалги манбаъ: ۴۴; ۱/۱۷۳. Аҳмад Муҳаммад Шокир ушбу ҳадис санадининг саҳиҳ эканини айтди. Қаранг: "Муснад", ۱/۱۷۳ саҳифадаги ҳошия).

۱۰. Абу Бакр розияллоху анхунинг Расулуллох солаллоху алайхи ва салламга тезроқ қовушиш истаги

Бунга далил имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳнинг онамиз Оиша розияллоху анҳодан қилган ривоятидир: Абу Бакр розияллоху анху ўлим куни яқинлашганида: "Бугун қайси кун?" - деб сўради.

Атрофида ҳозир бўлганлар:

"Душанба" - деб жавоб бердилар. **У:** "Агар бугун ўлсам, мени эртагача кечиктирманглар. Чунки, мен учун энг сеvimли кун ва тун Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга яқин бўлажагим кун ва тундир" - деди ("Муснад": ۴۵; ۱ / ۱۷۳. Шайх Аҳмад

Муҳаммад Шокир ҳадиснинг санади саҳиҳ эканини айтди).

Аллоҳу Акбар! Кун ва тунларнинг энг суюклиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқинлигига кўра белгиланмоқда!

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни юракдан суйганлар муҳаббатларида, уни кўриш учун шавқларида, унга дўст бўлишга интилишларида, уни кўриш билан севинишларида, у билан бирга бўлиш нашъаларида, уни барча нарсадан афзал кўришларида, уни йўқотиб қўйишдан қўрқишларида,

ундан айрилганда йиғлашларида,
шундай эдилар.

Бизлар-чи!? Биз Унинг муҳаббати
ўрнига бошқа нарсалар муҳаббатини
қўймадикми?! Биз Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламни
суюшни қанчалар даъво қилмайлик,
бошқа нарсаларни кўриш ёки
тинглаш учун қанча-қанча мол-
дунёмиз ва вақтларимизни фидо
қилиб, уларни томоша қилиш учун
Аллоҳ ва бандалар ҳаққини зое
қилмоқдамиз. Уларни томоша қилиш
билан севиниб, кўра олмаганларимиз
учун ачинмоқдамиз. Бу томошалар
севганларини Ернинг тубига
киритадиган ҳамда чўчка ва

маймунларга айланиб қолишига сабаб бўладиган нарсалар эканини унутдик ёки унутгандек кўринмоқдамиз!! (Бу ерда гап ҳаром қилинган мусиқа ва маст қилувчи ичимликлар ҳақида кетмоқда. Мутаржим изоҳи).

Инчунун, нафсу-ҳавосидан сўзламайдиган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг хабарини бермоқдалар. **Имом ибн Можа раҳимаҳуллоҳ Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларини нақл этганини ривоят қилди:**
"Умматимдан баъзилари маст

қилувчи ичимликлар ичадилар ва уни бошқача номлар билан атайдилар. Устларида чолғу асбоблари чалинади. Уларни Ерга юттирилади ҳамда маймун ва чўчқаларга айлантириладилар" ("Саҳиҳу Сунани ибн Можа": ۳۲۴۷; ۲/۳۷۱).

Бизнинг ҳолимиз шу экан, ажабо, "Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни барча инсонлар ва барча нарсадан кўра кўпроқ суямиз!" - деб айтган сўзимиз (Аллоҳ ҳузурида) қабул қилинармикин?! Сирру-ошкорни билган Аллоҳ ҳузурида бирон фойда берармикин?!

Иккинчи аломат: Аллоҳнинг расули учун жон ва молу-дунёни фидо этиш

Самимий суйган, суйгани йўлида ўз ҳузури, жони ва эга бўлган барча нарсасини фидо этиш учун қўлга киритадиган ҳар бир фурсатни катта шавқ билан орзу қилади. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламни суйган саҳобалар, У учун кўзларни қамаштирадиган фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Улардан сўнг дунёга келиб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламни суйган кимсалар эса, у буюк бахтни қўлга кирита олмаганлари учун қаттиқ ҳасрат чекдилар.

Қуйида фидокорлик, муҳаббат ва боғлиқлик, имон ва ихлоснинг ҳақиқатан ҳам инсонни безаган баъзи хислат ва жиҳатларини қаламга оламан. Бу - Оламлар Роббисининг ҳабиби ўз ҳабибларидан ҳабибларига бўлган муҳаббатда самимий бўлганларнинг хислатларидир.

۱. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам учун хавотир олиб, кўрқиб йиғлаши

Абу Бакр розияллоҳу анҳу ва Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат йўлига тушганлари он, Суроқа ибн Молик улар ортидан

эргашиб, кузата бошлади. Суроқа яқинлашган пайтда Абу Бакр розияллоҳу анҳу изтиробга тушди ва ўзидан кўрққани учун эмас, балки, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёти таҳлика остига кираётганидан кўрқиб, йиғлай бошлади. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ бу ҳодисани Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳудан қуйидагича ривоят қилди. **Абу Бакр розияллоҳу анҳу деди:** "Биз йўлга тушдик. Қавмимиз бизни қидиришар эди. Бизга отга минган Суроқа ибн Молик ибн Жуъшумгина етиша олди. **Мен:** "Эй Аллоҳнинг расули, бизни таъқиб қилган бу одам ҳозир

бизга етиб олади!"- дедим.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: "Хавотир олманг, Аллоҳнинг биз билан бирга эканида шубҳа йўқдир!"- дедилар. Ниҳоят, Суроқа бизга яқинлашди. Ўртамизда икки ёки уч мизроқ (тахминан тўрт ёки олти метр) қолди. Мен: "Эй Аллоҳнинг расули, бизни таъқиб этган одам етиб келди!"- дедим-да, йиғлай бошладим. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: "Нега йиғлаяпсиз?"- деб сўрадилар. Мен: "Аллоҳ номига қасамки, ўзим учун эмас, Сиз учун йиғлаяпман"- дедим. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам Суроқага баддуо қилдилар ва:

"Аллоҳим, унинг шарридан Ўзинг хоҳлаган нарса билан бизларни кифоя қил!", дедилар. Суроқа отининг олд икки оёғи, ер қаттиқ бўлишига қарамай, қорнига қадар ерга кириб кетди..." дея ҳадисни охиригача зикр қилди. ("Муснад: ۷; ۱/۱۰۰. Шайх Аҳмад Муҳаммад Шокир ушбу ҳадис санадининг саҳиҳ эканини айтди. Қаранг: "Муснад", ۱/۱۰۴ саҳифадаги ҳошия).

۷. Микдод ибн Асвад розияллоху анхунинг жангдаги тўқнашувда Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва салламнинг ёнида бўлишга тиришиши

Муҳаббатида самимий бўлган бошқа бир саҳобани кўрмоқдамиз. У жанг майдонида, душман билан тўқнашилганда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга - ёнма-ён туришга ҳаракат қилмоқда. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ бу ҳодисани бизга Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ривояти билан нақл қилмоқда. **Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай деди:**

"Мен Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳунинг бир ҳолатига шоҳид бўлдим ва бу ҳолат учун қўлимда эга бўлган барча нарсамни фидо этишга тайёрман **(Яъни, қўлимда бўлган**

дунёвий нарсаларни, демокчи.

Қаранг: "Фатхул-Борий", V / 288).

Микдод ибн Асвад розияллоҳу анҳу
Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва
салламнинг олдига мушрикларни
баддуо қилиб келди-да: "Биз Сизга
Мусо (алайҳиссалом)нинг қавми
каби: "Сиз ва Роббингиз (иккингиз)
бориб жанг қилинг!" демаймиз. Биз
Сизнинг ўнгингиз, чапингиз,
олдингиз ва орқангизда туриб жанг
қиламиз" - деди.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва
салламнинг юзлари қувончдан
порлаб кетди". Абдуллоҳ ибн
Масъуд розияллоҳу анҳу
Микдоднинг сўзлари туфайли

порлаганини назарда тутмоқда.
(Имом Бухорий: ۳۹۵۲; ۷ / ۲۸۷).

Бу ривоятда Микдод ибн Асваднинг Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам учун фидокорликларга тайёрлиги билан бирга, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг бундай шарафли бир ҳолатда бўлиш орзуси ҳам ўз аксини топганини кўрмоқдамиз. Бу унинг ушбу ифодаларида мужассамдир: "Мен Микдод ибн Асвад розияллоҳу анҳунинг бир ҳолатига шоҳид бўлдим ва бу ҳолат учун қўлимда эга бўлган барча нарсамни фидо этишга тайёрман".

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ буни шарҳлар экан шундай деди: "Яъни, бу сўзни айтган одам мазкур ҳолат билан бошқа ҳар қандай нарса ўртасида танлаш ихтиёри берилса, албатта, шу ҳолатда қолишни мамнуният билан қабул қилар эди" ("[Фатҳул-Борий](#)", ۷/۲۸۷).

۳. Ўн бир ансор ва Талҳа розияллоҳу анҳумларнинг Аллоҳнинг расули учун жонларини фидо қилишлари

Уҳуд жангида баъзи камончилар хато қилиб, ўз мавқеъларини тарк этдилар. Маккалик Қурайш қабиласига мансуб ва Холид ибн

Валид қўмондонлиги остидаги бир бўлинма, мусулмонларнинг орқасидан бостириб келди. Бунинг оқибатида мусулмонлар сафида парокандалик вужудга келди.

Шундай бир ҳолат вужудга келдики, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг атрофида ўн икки киши қолди. Мушриклар улар томон яқинлашдилар.

Хўш, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламини самимий суйган бу улуғ инсонлар, [суйганлари Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва салламини ҳимоя қилишда қандай матонат кўрсатдилар?](#) Буни билиш учун имом Насойий раҳимаҳуллоҳ Жобир ибн

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан нақл қилган ушбу ривоятни ўқийлик:

"Уҳуд куни одамлар ортга чекинганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн икки ансор билан бир чеккада қолдилар. Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу улар билан бирга эди. Мушриклар уларни қуршаб олдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қараб: "Булардан бизни ким ҳимоя қилади?!"- дедилар. Талҳа розияллоҳу анҳу: "Мен!"- дея жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен қимирлама!"- деб буйруқ бердилар. Буни эшитган ансорлардан бири; "Мен, эй

Аллоҳнинг расули"- деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен чиқ!"- дедилар. У ансор ўлгунига қадар жанг қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларнинг яна қуршаб олаётганларини кўриб: "Бизни булардан ким ҳимоя қилади?!"- дедилар. Талҳа розияллоҳу анҳу яна: "Мен!"- деб жавоб берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Жойингдан қимирлама!"- деб буйруқ бердилар. Шунда ансорлардан бири: "Мен"- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен чиқ!"- дедилар. У

ҳам ўлдирилгунига қадар жанг қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юқоридаги сўзларни такрорлар ва мушрикларнинг қаршисига бир ансор чиқиб, аввалги ансорлар каби матонат билан ўлгунига қадар жанг қилар эди. Ниҳоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Талҳа розияллоҳу анҳу бирга ёлғиз қолдилар. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Буларнинг қаршисига ким чиқади?" - дедилар. **Талҳа розияллоҳу анҳу:** "Мен!" - деди. У ўн бир ансор каби жанг қилди. Ниҳоят, **қўли яраланди ва**

бармоқлари кесилганида: "Оҳ!"- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Агар "Бисмиллаҳ!" деб айтсайдинг, фаришталар сени юқорига кўтарар, одамлар сенга қараб қолишар эди"- дедилар. шундан сўнг, Аллоҳ таоло мушрикларни қайтарди" ("Саҳиҳу Сунанин-Насоий": ۲۹۵۱; ۲/۶۶۱). Аллома Албоний раҳимаҳуллоҳ деди: "Ҳадис "Бармоқлари кесилди" дейилиши билан ҳасандир. Ундан аввалги ривоятнинг ҳасан бўлиш эҳтимоли бордир. Ҳадис имом Муслимнинг шартига кўрадир (Аввалги манбаъ: ۲/۶۶۱). Ҳофиз Заҳабий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис

хақида: "Ровийлари ишончлидир"-
деди (Сияру аъламун-нубалаа": \ /
۲۷).

Аллоҳу Акбар! Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламни
суйган ўн бир киши, Аллоҳ улардан
рози бўлсин, Оламлар Роббиси ва
ўзларининг ҳабиблари йўлида
жонларини фидо қилдилар. Ўн
иккинчи шахс – Талҳа ибн
Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг
Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва
салламни мудофаа қилиши осон
бўлмади. У ўн бир ансор каби жанг
қилди. Бунинг оқибатида кўли
яраланди. Чунки у, Расулуллоҳ
соллалоҳу алайҳи ва салламни кўли

билан ҳимоя қилар эди. **Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг ривоятига кўра:** "Қайс: "Мен Уҳуд куни Талҳанинг пайғамбаримизни ҳимоя қилган ярадор кўлини кўрдим"- деди" (**Имом Бухорий: ᠘.᠖ᠮ; ᠷ / ᠮ᠐᠙**).

Муҳаммад (**соллалоҳу алайҳи ва саллам**)нинг Роббиси номига қасам ичиб айтаманки, Буюк Аллоҳнинг энг суйгани ва яратилган барча махлуқларнинг энг улуғини мудофаа қилиш учун ярадор бўлган бу кўл қандай бахтли ва қандай пок-а!! Бу кўлнинг эгаси қандай бахтиёр-а!!

Улуғ пайғамбарни мудофаа қилар экан қўлгина эмас, балки, тананинг ҳамма ери жароҳат олган эди. Чунки, Талҳа розияллоҳу анҳунинг баданида етмишга яқин жароҳат бор эди.

Имом Абу Довуд Таёлисий раҳимахуллоҳ онамиз Оиша розияллоҳу анҳонинг Абу Бакр розияллоҳу анҳудан қилган ушбу ривоятини келтирди: "... Сўнгра, чуқурлардан бирида ётган Талҳанинг ёнига бордик. Унинг баданида найза, (камон) ўқи ва қилич зарбаларидан етмиш атрофида ёки етмишдан ортиқ ёҳуд етмишга яқин жароҳат кўрдик" ("Минҳатул-Маъбуд фий тартиби Муснадит-Таёлисий Аби Довуд":

۲۳۴۶; ۲/۹۹. Қаранг: "Фатхул-Борий":
۲/۸۲-۸۳).

Абу Бакр розияллоху анху Ухуд кунини эсласа йиғлар ва: "У кун – Талҳанинг куни эди!"- дер эди.
(Қаранг: "Минҳатул-Маъбуд": ۲/۹۹).

Аллоҳ таоло Талҳа ибн Убайдуллоҳ,
Абу Бакр ва пайғамбаримиз
Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва
салламни суйган барчадан рози
бўлсин!

**۴. Абу Талҳа розияллоху анху
кўксини Расулulloх соллалоху
алайҳи ва салламнинг кўксига
қалқон қилиши**

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламни самимий суйганлардан бошқа бири ўз кўксини пайғамбаримизнинг кўксига қалқон қилганини кўрмоқдамиз. Ўқлар Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламга тегмай, унга тегмоқда. Бу воқеъа ҳам Уҳуд жанггида бўлган эди. **Имом Бухорий ва имом Муслим раҳимаҳумаллоҳлар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг шундай деганини ривоят қилмоқдалар:** "Уҳуд кунисида Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлганларнинг кўпи орқага чекинди. Абу Талҳа эса қўлидаги теридан бўлган бир қалқон билан Расулуллоҳ

соллалоҳу алайҳи ва салламни
мудофаа қилар эди. У мерган эди. У
ўша куни икки ёки учта камонни
синдирган эди. Шунинг учун ҳам,
унинг олдидан найзадони билан
ўтган ҳар бир жангчига Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Абу
Талҳага найзаларингдан ташлаб
кет!"- дер эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам тепаликдан жангчиларга
боқар экан, Абу Талҳа : "Эй
Аллоҳнинг пайғамбари, ота-онам
сизга фидо бўлсин! Сиз ундай қилиб
қараманг. Уларнинг биронта ўқи
сизга тегмасин! Менинг кўксим
сизнинг кўксингизга қалқон!"- деди

(Имом Бухорий: 4064; 7/361). Имом Муслим: 1811; 3/1443. Ҳадис лафзи имом Муслимниқидир).

Аллоҳу Акбар!

Суйган - нималарни қилмайди,
нималарни орзу этмайди?!!

Аллома Айний раҳимаҳуллоҳ Абу Талҳа розияллоҳу анҳунинг: "Кўксим сизнинг кўксингизга қалқон!" - деб айтган сўзларини шарҳлар экан, **шундай дейди:** "Мана, менинг кўксим сизнинг кўксингиз олдида". Яъни, мен шундай вазиятда турибманки, агар ўқ келиб қолса кўксингизга эмас, кўксимга тегади" ("Умдатул-қорий", 16/274).

Шайх Муҳаммад Фуод Абдулбоқий шундай деди: "У жумла, дуо жумласидир. Яъни, ўқлар сизга эмас менга тегиши учун, Аллоҳ кўксимни ўқларга яна ҳам яқин қилсин!", демакдир.

•. Абу Дужона розияллоху анхунинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдида ўзини қалқон қилиши

Ибн Исҳоқ раҳимахуллоҳ, бизга, самимий суйганлардан бошқа биттасини ривоят қилмоқда:

"Абу Дужона розияллоху анху жуссасини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга қалқон қилди.

Ўқлар унга тега бошлади. У эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баданига ёпишиб олган вазиятда эди. Унга теккан ўқларнинг сони анчагина кўпайди (Ибн Ҳишом раҳимаҳуллоҳ, "ас-Сийратун-набавийя", 3/30. Қаранг: ибн Ҳиббон Бустий раҳимаҳуллоҳ, "ас-Сийратун-набавийя", 224. Имом Заҳабий раҳимаҳуллоҳ "Тарихул-Ислом", 174 – 175).

Бошқа бир ривоятда: "У эса қимирламай турар эди"- дейилган (Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳ, "Жавомиус-сийра", 162. Қаранг: "Зодул-маод", 3/197).

Аллоҳу Акбар! Абу Дужона розияллоҳу анҳуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қалқон бўлиш вазифасига, унга ёпишиб олишга ва орқасига ўқлар тегишига қарамай қимирламай туришга ундаган нарса нима эди? Шубҳасиз, бу – Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббат ва ўша суюкли зот учун жонни фидо қилиш даражасига олиб борган катта орзу эди.

7. Ансорлардан бирининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун ўзини фидо қилиб, яноқлари Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам оёқлари устида **экан, ўлиши**

Сийрат ва тарих китоблари бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган бошқа бир саҳоба ҳақида сўз юритмоқда. Бу саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мудофаа қилар экан, жонини фидо қилган эди. Бу дунёдан кетиш вақти келганида яноқлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари устида эди. Бу ҳодиса ҳам Уҳуд жанггида бўлган эди.

Имом ибн Исҳоқ раҳимаҳуллоҳ деди:
"Мушриклар қуршовига тушган

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бизга жонини сотадиган кимса борми?" - дедилар. Зиёд ибн ас-Сакан розияллоҳу анҳу билан бирга беш киши ўринларидан турдилар.

Баъзи ровийлар унинг Умора ибн Язид ибн ас-Сакан розияллоҳу анҳу эканини ривоят қилдилар.

Уларнинг барчаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида жанг қилдилар. Уларнинг ҳаммаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун жонларини фидо

қилдилар. Ниҳоят навбат Зиёд ёки Умора розияллоҳу анҳуга келди. У ҳам оғир ярадор бўлгунга қадар жанг қилди. Мусулмонларнинг бир бўлинмаси етиб келиши билан, мушриклар чекинишга мажбур бўлдилар. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Уни менга яқинлаштиринглар!" - дедилар. Уни яқинлаштирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга оёқларини ёстик қилиб узатдилар.

У яноқлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари устида экан, руҳини Яратувчисига таслим қилди **(Ибн Ҳишом, "ас-Сийратун-набавийя", ۲/۲۹. Қаранг:**

ибн Ҳиббон, ۲۲۳ – ۲۲۴. Имом
Заҳабий: ۱۷۴).

Аллоҳу Акбар! Бу қандай ширин ва
намунали ўлим!

**۷. Саъд ибн Рабийъ розияллоҳу
анҳунинг руҳини таслим қилар
экан, Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг соғлигига
эътибор бериши**

Яна Уҳуд жангги! Ярадорлар ичида
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни суйганлардан бошқа
биттаси бор. Унинг найза, қилич ва
камон ўқлардан олган етмишга яқин
жароҳати бор. Бунинг дунё ва
дунёдаги оила, мол-дунёдан

ажралишига бир неча нафаси қолди.
У нимани ўйлапти деб ўйлайсиз?!
Бу ҳақда имом Ҳоким
раҳимаҳуллоҳнинг Зайд ибн Собит
розияллоҳу анҳудан келтирган ушбу
сўзларни ўқийлик:

Уҳуд куни Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам мени Саъд ибн
Рабийъ розияллоҳу анҳуни излаб
топиш учун жўнатар эканлар шундай
дедилар: "Шояд уни кўрсангиз
менинг саломимни етказинг ва
"Расулуллоҳ сизга салом айтдилар
ҳамда сиздан ўзингизни қандай ҳис
қилаётганингизни сўрадилар"- деб
айтинг.

Ўликлар орасини айланиб, (Саъдни топдим). У сўнгги нафасларини олаётган эди. Найза, қилич ва камон ўқларидан олган етмишга яқин жароҳати бор эди. **Унга:** "Эй Саъд, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга салом йўлладилар ва ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизни сўрашимни буюрдилар, дедим.

Саъд розияллоҳу анҳу шундай деди: "Расулуллоҳ ва сенга саломлар бўлсин! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтки, мен ҳозир жаннат бўйларини ҳидламоқдаман. **Қавмим ансорларга:** "сизда киприкларингизни қимирлатишга

имкон бор экан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирон бир зарар етса, Аллоҳ ҳузурида маъзиратингизга ўрин йўқдир" – деб айт.

У, шундай деб руҳини таслим қилди. Унга Аллоҳнинг раҳматлари ёғилсин!" ("Мустадрок, 3/201). Ушбу ҳадис ҳақида имом Ҳоким раҳимаҳуллоҳ шундай деди: "Бу ҳадис санади саҳиҳ бўлишига қарамай имом Бухорий ва имом Муслим тарафидан ривоят қилинмади ("Мустадрок", 3/201). Имом Заҳабий раҳимаҳуллоҳ ҳам уни қувватлади ("ат-Тадҳис", 3/201).

Бунга яқин бир ривоятни имом Молик раҳимаҳуллоҳ "Муваттоъ" (۲/۴۶۵-۴۶۶)да ва ибн Исҳоқ раҳимаҳуллоҳ ривоят қилди (Қаранг: ибн Ҳишом раҳимаҳуллоҳ "ас-Сийратун-набавийя", ۳/۳۸-۳۹). Бу ҳадис ҳақида доктор Акрам Зиё ал-Умарий: "Бу ҳадис ибн Исҳоқнинг ишончли ровийлари нақл этган ривоятдир"- деди ("ас-Сийратун-набавийя ас-саҳиҳа", ۲/۳۸۶). ("Мажмаъул-баҳрайн", ۲/۲۳۹; "Шарҳул-маваҳиб", ۲/۴۴ га биноан).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган бу саҳоба ҳаётининг сўнгги дамларида нимани ўйлади?! Хаёлини қамраб олган

нарса нима эди?! Қавми билан видолашар экан, дунёдан, оиласидан, бола-чақаси ва молу-мулкидан айрилар экан, қавмига нима деб васият қилди?! Унинг хаёлини қамраб олган нарса – ўзи ва Оламлар Роббисининг суйгани Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соғлиги ва амну-омонда бўлиши эди. Унинг қавмига қилган васияти эса, уларнинг ҳар бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга жонларини фидо қилишлари эди.

Биз ҳам шундаймизми? Биз нималарни ўйлаймиз? Ичимиздан кўпчиликнинг хаёлини банд қилган

нарса нима? Дўстларимиздан бирини ғарбга, бошқасини эса шарққа кузатар эканмиз, уларга қандай тавсиялар қилмоқдамиз? Буларни очикча баён қилайлик десак, Ислом одобларига тўғри келмайди.

**^. Абу Қатода розияллоху анху
Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва
салламнинг ёнидан, уловларидан
йиқилмасинлар дея тун бўйи
ажралмаслиги**

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга бўлган севгининг иккинчи аломатларига бўлган изоҳларни, унга муҳаббат қўйган бошқа бир саҳобанинг самимиятини

тушунтириш билан якунламоқчиман. Бу саҳобанинг бутун диққат-эътибори Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саломатлиги ва ҳузурли ҳаётига қаратилган эди. У кеча бедорлиги сабабли уловларидан йиқилиб кетмасин дея Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнидан ажралмай, сафарда ҳамроҳ бўлди. **Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг ривоятига кўра Абу Қатода розияллоҳу анҳу шундай деди:** "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба ўқиб: Сизлар бу оқшом ва тун бўйи йўл юрсангиз, эртага сувга етиб борасизлар, "Ин ша

Аллоҳ" дедилар. Одамлар бир-бирига қарамай йўлга тушдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ярим кечагача йўлларида давом этдилар. Мен у Зотнинг ёнларида эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўзлари қоқилиб, уловларидан ёнга мункая бошладилар. Мен югуриб бориб, у Зотни уйғотмай тиккалай бошладим ва ниҳоят уловларига тик ўтирдилар.

Сўнгра, йўлда давом этдик. Кечанинг кўпроқ қисми ўтганди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна бир марта уловларидан ёнбошга мункая бошладилар. Мен югуриб бориб, у

Зотни уйғотмай тиккалай бошладим ва ниҳоят уловларига тик ўтирдилар. Йўлда давом этдик, саҳар пайти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна уловларидан ён тарафга аввалги иккисидан кўра қаттиқроқ мункайдилар ва йиқилишларига бир баҳя қолди. Тез бордим-да, у Зотни суяб қолдим. **Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини кўтариб:** "Бу ким?"- деб сўрадилар. **Мен:** "Абу Қатода"- деб жавоб бердим. – Бу ҳолатда менинг ёнимда қачондан буён юрибсиз?- дедилар. **Мен:** "Оқшомдан буён шу ҳолатдаман", дедим. **У Зот:** "Аллоҳ сизни Пайғамбарингизни

қўриганингиздек қўрисин!"-
дедилар" (Имом Муслим: ۶۸۱;
۱/۴۷۲).

Субҳоналлоҳ! Абу Қатода
розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг
саломат қолиши ва айни замонда
роҳатда бўлишини хоҳламоқда! У
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни кеча давомида кўзларини
юммасдан кузатиб, йўл юрди.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам уйқуга кетиб бир томонга
мункаяр эканлар, шошилиб бориб,
бинолар йиқилмаслиги учун
қўйилган тиргаклар мисоли, тиргар
эди. У тиклаш билан чекланмади,

балки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг роҳатини диққатга олиб, уйғотмади. Аллоҳ ундан рози бўлсин ва Аллоҳ ҳам уни рози қилсин!

Учинчи аломат: Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиш ва таъқиқларидан узоқ бўлиш

Суйганнинг суюклисига итоаткор бўлишида ҳеч шубҳа йўқдир. Суйган суюклининг ёқтирган ишларини қилиш ва ёқтирмаган ишларидан узоқ бўлишга ҳаракат қилади. Шундай қилар экан, қалбида —

ифодалашга тил ожизлик қиладиган лаззатни ҳис этади. Жумладан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйган банда ҳам унга эргашиш, унинг буйруқларига итоат этиш ва таъқиқларидан узоқлашиш учун бор кучини сарф этади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган саҳобаларнинг бу борада ҳам инсонни ҳайратга соладиган ўрнаклари борки, мен уларни Аллоҳнинг лутфи билан қаламга олишга ҳаракат қиламан.

1. Бир гуруҳ ансорларнинг намозда рукуъда эканлар, Каъбага шошилиб бурилишлари

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳунинг ушбу сўзларини ривоят қилди:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларидан сўнг ўн олти ёки ўн етти ой Байтул-Мақдисга юзланиб намоз ўқидилар. Бироқ, Каъбага қараб намоз ўқишни орзу қилар эдилар. **Аллоҳ таоло:**

"Биз, албатта, Сиз юзингизни осмонга қаратганингизни кўрмоқдамиз. Бас, Сизни рози бўладиганингиз қибла тарафга бурамиз!" (Бақара: ʾ ۴۴) оятини нозил қилди. Шундай қилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага йўналтирилди. Бир

одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан аср намозини ўқиди ва (намоз тугаганидан сўнгра) кетди. Йўлда намоз ўқиётган ансорлар жамоати олдидан ўтди ва: "Мен гувоҳлик бериб айтаманки, Расулуллоҳ билан бирга намоз ўқидим ва унинг қибласи Каъбага бурилди" - деди.

Улар аср намозининг рукуъсида эканлар, Каъба тарафга қараб бурилдилар" (Имом Бухорий: ۷۲۵۲; ۱۳ / ۲۳۲).

Ансорлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этишга шошилдилар. Ундан келган бир

хабарга амал қилишда ҳеч тараддуд этмадилар! Ҳатто бошларини рукуъдан кўтаришни ҳам хаёлларига келтирмадилар. Рукуъда эканлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бурилган Каъба сари бурилдилар.

۲. Саҳобаи киромнинг сафарда кўноқлаш вақти келганида кўноқлаш амрини бажо келтириш учун шошилишлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиш намоздагина эмас эди.

Аксинча, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйган саҳобалар

унга бошқа ишларда ҳам тобеъ бўлиш учун ҳаракат қилар эдилар. (Аллоҳ улардан рози бўлсин). Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарда қўноқлаш одоби ҳақида берган буйруғига саҳобаи киромларнинг қандай итоат этганларини Абу Салама ал-Хушаний розияллоҳу анҳунинг тилидан ривоят қилмоқда:

"Одамлар бир ерда қўноқламоқчи бўлсалар водий ёки йўл ёқаларига тарқалар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

"Сизларнинг водий ва йўл

(ёқа)лар(и)га тарқалиб кетишингиз Шайтондандир!"- дедилар.

Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан бирон ерда қўноқламоқчи бўлсалар, улар бир-бирларига шундай киришиб кетар эдиларки, **устларига дастурхон солиш мумкин эди**" ("Саҳиҳу Аби Довуд": ۲۲۸۸; ۲ / ۴۹۸. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаттоки сафардаги қўноқлашда ҳам мусулмонларнинг тарқалишларига рози бўлмадилар. Бугун эса, Аллоҳ раҳм қилганлардан бошқа одамлар нималар сабабли-ки бир-биридан узоқ бўлмоқдалар?!".

۳. Саҳобаи киромнинг хонаки эшакларнинг гўшти ҳаром қилингинини эшитганлари он, қозонларда қайнаётган гўштлирни тўқишлари

Саҳобаи киромлар суйган ва ёқтирган айрим нарсалар таъқиқланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таъқиқидан сўнгра улар у нарсалардан ҳеч бир эътирозсиз узоқлашдилар. Бундай ҳодисадан бирини имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилди. Ривоятга қараганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига бир киши келиб: "Эшаклар

еб тугатилди!"- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам индамадилар. **У одам иккинчи марта келиб:** "Эшаклар еб тугатилди!"- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна индамадилар. **У одам учинчи марта келиб:** "Эшаклар йўқ қилинди!"- деди.

Буни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир дарғачини одамлар ичига бориб: "Аллоҳ ва расули сизларга хонаки эшак гўштини емоқдан наҳй қилдилар"- деб хитоб қилиш учун юбордилар. Натижада ичида эшак гўштлири пиширилаётган қозонлар

ағдарилди" (Имом Бухорий: ۴۱۹۹; ۷ / ۴۶۷ – ۴۶۸).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни юракдан суйган бу инсонлар (тайёр пишган гўштни еб олиш учун) бирон бир чора, бирон бир фурсат ёки бирон истисно қилишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Улар севгида талаб қилинган шартлардан бири суюқлининг хохиши ва буйруқларига итоат қилиш эканини тўлақонли тушуниб етган эдилар. Зотан, бундай инсонлар ундай чора ва сабабларни қандай ҳам хаёлларига келтирсинлар?!

۴. Ароқ (май)нинг ҳаромлиги эълон қилинганида Мадина кўчаларида оққан ароқлар

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган саҳобаи киромлар таъқиқланди деб орзу қилган нарсаларидан узоқлашибгина қолмадилар, балки, узоқ йиллар давомида ўрганиб қолган, ҳатто оталаридан мерос қолган нарсаларини ҳам тарк этдилар. Улар Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламга: "Ўз урф-одатимиз ёки анъаналаримиз ёхуд ўрганиб қолган нарсаларимиз" дея қарши чиқмадилар. (Инчунун, бизларнинг кўпимиз бугун шундай пуч даъволар

ила Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига қарши чиқмоқдамиз). Бунга далил имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг Анас розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятдир:

"Абу Талҳанинг уйида ўтирганларга соқийлик қилаётган эдим. Улар хурмо шаробини ичишар эди. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам бир кишини: "Огоҳ бўлингларким, шароб (ароқ) ҳаром қилинди!" - деб нидо қилишга буюрди. Абу Талҳа менга: "Олиб чиқ ва тўк" - деди. Мен уни олиб чиқиб тўкдим. Шароб Мадина кўчаларида

оқа бошлади" (Имом Бухорий: ۲۴۶۴;
۵ / ۱۱۲).

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган у зотларнинг қилган ишлари - Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига итоат қилишдан бошқа нарса эмас эди. Шунинг учун ҳам, шароблар Мадина кўчаларида оқди. Буларни кўрган ва уйида шароби бўлган барча мусулмонлар шаробларини кўчаларга олиб чиқиб, тўқа бошладилар. **Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ бу хусусда шундай деди:** "Ҳадисда уйларида (ёки ёнида) шароби бўлган мусулмонлар бирин-

кетин шаробларини тўка бошлаганлари ва шароблар Мадина кўчаларида оқа бошлаганига ишорат бордир" ("Фатҳул-Борий", 10 / 39).

Бу ходиса ҳеч бир тараддудсиз, нега?, нимага?, деган саволлар берилмасдан ниҳоясига етди. **Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳунинг шундай деганини ҳам ривоят қилмоқда:**

"Мен Абу Талҳа, фалончи ва фалончига соқийлик қилар эканман, **бир киши келиб:** "Сизга хабар келдимиз?", деб сўраб қолди. **Улар:** "Қандай хабар?"- дедилар. **Келган одам:** "Шароб ҳаром қилинди"- деди.

У ердаги барча: "Эй Анас, шу кўзаларни тўк!"- деди. У одам хабарни олиб келганида, (саҳобалар) на шароб ҳақида сўрадилар ва на савол бердилар" (Имом Бухорий: ᠔᠖ᠶᠷ; ᠕ / ᠲᠷᠷ).

Ё, Раббий! Бу қандай мутлақ итоат ва мутлақ бўйсунуш!

Бу саҳобаларга Аллоҳ таоло марҳамат қилган ушбу оятлар мос келмоқда: "Ўрталарида ҳукм қилиш учун Аллоҳ ва расулига чақирилганлари он мўъминларнинг сўзи: "Эшитдик ва итоат қилдик!" демоқдир. Ўшаларгина зафар қучган бандалардир" (Нур: ᠔᠑).

9. Саҳобаи киромнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиш учун, душманлари билан қилинган аҳд-шартномага риоя қилишлари

Саҳобаи киромлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга оддий ва табиий маиший ҳоллардагина эмас, камчилик ва мўлчиликда, уруш ва тинчлик ҳолатларда бир хил итоат этар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиш учун душманларига берган сўзларга қандай риоя қилганларини имом Абу Довуд ва имом Термизий раҳимаҳумаллоҳлар

Сулайм ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилдилар:

"Муовия розияллоҳу анҳу билан Византияликлар ўртасида шартнома бор эди. У Византия тупроқларига яқинлашар ва шартнома муддати тугадими, уларга ҳужум қилар эди. (Кунларнинг бирида) уловига минган бир одам: "Аллоҳу Акбар! Аллоҳу Акбар! Биз аҳдга вафодормиз! Аҳдни бузиш йўқ!" дея келди. У одам – Амр ибн Абса розияллоҳу анҳу экан. Муовия розияллоҳу анҳу унга одам жўнатиб (бу сўзларининг изоҳини) сўради. У шундай жавоб берди: "Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини

эшитганман: "Кимнинг бошқа бир қавм билан аҳдномаси бўлса, у ниҳоясига етгунигача ёки у қавм аҳдни бузганини билмагунича аҳдномани бузмасин!".

Бу сўзларни эшитган Муовия розияллоҳу анҳу (хужум қилмай) ортига қайтди ("Саҳиҳу Аби Довуд": ۲۳۹۷; ۲ / ۵۲۸. "Саҳиҳу Сунанит-Термизий": ۱۲۸۵; ۲ / ۱۱۳ – ۱۱۴. Ривоят лафзи Абу Довуд раҳимаҳуллоҳники).

۱. Саҳобаи киромнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрига итоат қилиб ипак кийимларини киймасликлари

Имом Табаронийнинг ривоятига қараганда мусулмон аскарлар Ярмукда қўноқладилар ва душманларига: "Биз сизларнинг қўмондонингиз билан учрашиб, гаплашмоқчимиз. Шунинг учун бизга у билан кўришиш имкониятини беринглар" - дедилар. Душман сафидагилар мусулмонларни бу истакларини қўмондонларига етказдилар ва улардан рухсат олдилар. Абу Убайда ва Язид ибн Абу Суфён розияллоху анҳумолар элчи бўлиб душман қўмондони олдига келдилар. У куни қиролнинг укаси (Қиролнинг укаси – Византия лашкарларининг Бош

Қўмондони бўлиб, исми Тўзарик эди (Қаранг: "ал-Бидоя ван-нихоя", Ҷ / 9)) қароргоҳида ипакдан тўқилган ўттиз чодир ва юқоридан пастга тўшалган ўттиз парда бор эди.

Мусулмонлар қароргоҳга етиб келгач, у чодирларга киришни рад этдилар ва: "биз ипакни (эркаклар учун) ҳалол деб ҳисобламаймиз. Шунинг учун, Сен бизнинг олдимизга чиқ!" - дедилар.

Бош Қўмондон ўзи учун тайёрланган дабдабалар турган ердан, элчилар ҳузурига чиқди.

Бу воқеъа (Византия императори) Ҳиракл (Геракл)га етиб борганида

шундай деди: "Мен сизларга айтмадимми? Бу - хорлигимизнинг бошланишидир! Энди биз учун шону-шараф қолмади. Туғилган фойдасиз бола сабабли византияликларнинг ҳолига вой!" (Табарий, "Тарих", 3 / 403).

Бошқа ривоятда шундай дейилган: "Саҳобалар (икки элчи): "Бизнинг ундай ерга киришимиз ҳалол эмас"- дедилар. Шундай дейишларига қарамай Бош Қўмондон: "Улар учун ерга ипак палослар тўшалсин" дея амр қилди. Элчилар яна: "Уларнинг устига ўтирмаймиз"- дедилар. Қўмондон, элчилар хоҳлаган ерга

ўтиришга мажбур бўлди ("ал-Бидоя ван-Ниҳоя", ۷ / ۹ – ۱۰).

Душманлар билан учрашиш, саҳобаларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишларида монёълик қила олмади. Бунга илк назар ташлашда, душманлар учун манфаат бўлиши билан – аввалги мисолда кўрганимиздек - ўзлари учун манфаат бўлиши ўртасида ҳеч фарқ йўқ эди. Бу - руҳан, ақлан ва иймонан заиф бўлган мусулмонлар учун оддий ёки буюк ишдек кўринсада, улар учун фарқи йўқ эди. Ахир улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлишдан қандай юз ўгиришлари мумкин?!

Ҳолбуки, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Менинг амримга хилоф иш қилганларнинг бошига хорлик ва камситиш келажакдир" деганларини эшитган эдилар (Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилди. Қаранг: "Муснад": ۵۱۱۵; ۷ / ۱۲۲. Шайх Аҳмад Муҳаммад Шокир ҳадиснинг санади саҳиҳ эканини баён қилди. (Аввалги манбаъ)).

Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу сўзларини эшитибгина қолмадилар, балки, ёд олдилар, тушундилар, унга лойиқ бўлганидек риоя қилиб, ҳаётларига

татбиқ этдилар. Бугунги мусулмонлар ҳам бу ҳақиқатни тушуниб етсалар кошкийди. Буюк Аллоҳ таоло мусулмонларининг зафар ёки мағлубиятларини баъзи сабабларга боғлади. Буларнинг энг муҳимларидан бири - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлиш ва Унга осий бўлмасликдир. Унга итоат қилган банда азиз ва Ер юзида ҳукмрон бўлса, Унга осий бўлган кимса хору-зор бўлади.

Мусулмонларнинг ушбу ҳақиқатни тушуниб, ҳаётларига татбиқ қилишлари, шояд, бугунги кундаги хорликлари ва йўқ бўлиш учун

босаётган одимларидан кутқарадиган восита бўлар.

Ү. Саҳобаи киромнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозда эканлар пойафзалларини ечганларини кўрган заҳот пойафзалларини ечганлари

Суйган суюклисининг амрларига итоат қилиш билан тўхтамайди, балки, унинг ҳаракатларини кузатиб, қилишга интилади. Унинг юзидаги ўзгаришлар, кўзларининг ишоратларини кузатади. Шояд бу билан суюклисининг бирон бир ишини билиб, уни ҳаётига татбиқ

этар ёки нафрат этган бирон бир ишни билиб, ундан узоқ бўлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган у бахтли инсонлар ҳам шундай эдилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларини бажо келтириш ва таъқиқларидан узоқ бўлиш билан кифояланмадилар, аксинча, у қилаётган ишларни кузатишар эдилар. Улар буни завқу-шавқ билан қилар эдилар. Чунки улар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишни юракдан истар эдилар. У қилган бир ишни кўришлари биланок, уни шошилиб қилишар, бирон бир ишдан

узоқлашганини кўрганлари он ундан зудлик билан узоқлашар эдилар.

Бунга далолат қилган мисоллардан бири имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ Абу Саид розияллоҳу анҳудан келтирган ушбу ривоятдир:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга имом бўлиб намоз ўқир эканлар, бирдан оёқ кийимларини ечиб, чап тарафга суриб қўйдилар. Бунини кўрган саҳобалар ҳам зудлик билан пойафзалларини ечдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни тугатганларидан сўнг: "Пойафзалларингизни

ечишингизга нима сабаб бўлди?!-
деб сўрадилар. Саҳобалар: "Биз
Сизнинг оёқ кийимларингизни
ечганингизни кўриб,
пойафзалларимизни ечдик"- деб
жавоб бердилар. Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам:
"Жибрил (алайҳиссалом) келиб
пойафзалимда нажосат борлигини
айтди"- дедилар.

Сўнгра шундай дедилар: "Сизлардан
бирингиз масжидга келса, оёқ
кийимларига қарасин. Агар унда
нажосат ёки ифлос нарсалар бўлса
уни тозаласин ва у (пойафзал)лар
билан намоз ўқийверсин". ("Саҳиҳу
Сунани Аби Довуд": 705; 1/128).

Аллоҳу Акбар! Саҳобалар
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламдан ўрнат олишда нақадар
тезкор эканлар! Аллоҳ улардан рози
бўлсин, мукофотлар билан хушнуд
этсин ва бизга ҳам улар юрган йўлда
юришни насиб айласин!

**А. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
ва салламнинг огоҳлантиришини
эшитиши билан бир аёлнинг
билагузукларини чиқариши**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламдан ўрнат олиш
эркакларгагина хос эмас эди.
Билъакс, Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламни самимий суйган

аёллар ҳам эркаклардан қолишмас эдилар. Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан келтирган ушбу ривоят сўзимизнинг яққол далилидир:

"Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнига келди. У билан бирга қизчаси ҳам бор эди. Бу қизчанинг кўлида қалин икки билагузук бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

"Буларнинг закотини берасизми?"- деб сўрадилар. Аёл: "Йўқ"- деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ таолонинг Қиёмат кунида буларнинг ўрнига

оловдан икки билагузук тақишини хоҳлайсизми?!"- дедилар. Аёл унинг қўлларидаги билагузукларни чиқарди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдига қўйиб: "Булар Аллоҳ ва расули учундир"- деди (Албоний раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадиснинг ҳасан эканини баён қилди. "Саҳиҳу Сунани Аби Довуд": ۱۳۸۲; ۱/۶۹۱).

Аллоҳу Акбар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйган аёл, билагузукларининг закотини бериш билан кифояланмади, аксинча, улардан воз кечиб, Аллоҳ учун садақа қилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламга тақдим этди. Аллоҳ ундан рози бўлиб, (Қиёмат кунда) хушнуд этсин!

9. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлнинг чеккасида юриш ҳақидаги буйруғига итоат этиб, хотин-қизларнинг деворларга ёпишиб юришлари

Ҳеч ким бу аёлнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига зудлик билан итоат этишида танҳо ёки истиноий ҳолат эди, деб ўйламасин. Йўқ, Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, саҳобия хотин-қизларнинг барчасининг тарихини текшириб кўрсангиз,

бундай итоатнинг уларнинг ҳаммаси ўртасида ёйилганини биласиз. Энди улар ҳақида имом Абу Довуд раҳимаҳуллоҳнинг Абу Усайд Ансорий розияллоху анҳудан келтирган ушбу ривоятга кулоқ берайлик: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиддан чиқаётган эдилар, аёллар эркаклар билан аралшиб кетишибди, шунда (хотинларга қарата): "Тўхтанглар! Сизнинг йўл ўртасида юришга ҳаққингиз йўқ! Сиз йўлнинг чеккасида юрингиз!"- дедилар. Шундан кейин аёл киши кўчада юрса, деворга тегиб юрар эди. Шунчалар тегар эдики, эгнидаги

кийимлари деворга илашиб қолар эди" (Саҳиҳу Сунани Абу Довуд": ᠔᠓᠑᠘; ᠓ / ᠑᠕᠑).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюшнинг тўртинчи аломатларига ўтишдан аввал, **ўзимизни текшириб кўриш учун бир оз тўхтайлик:**

Биз ҳоҳ эркак ва ҳоҳ аёл бўлайлик, саҳоба ва саҳобияларга ўхшаймизми?!

Бизнинг кўпчилигимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини бирин-кетин йўқ қилмаяпмизми?!

Мусулмонлик даъвосини қилган қанча-қанча хотин-қиз бозор ёки йиғинларга чиқар эканлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хилоф ишларни қилмаяптими?!

Ҳоҳ эркак ва ҳоҳ хотин-қиз хорижий жамиятларга кетар экан, уларнинг мусулмон ёки христиан ёхуд яҳудий экани ажралиб турибдими?!

Тўртинчи аломат Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига ёрдам бериш ва у олиб келган шариатни ҳимоя қилиш

Маълумки, суйган суюклисининг жони, молу дунёси ва барча нарсасини фидо этган нарсасига ўз жони, молу дунёси ва барча нарсасини фидо этади. Аллоҳнинг расули бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ берган куч-қудрат, мол-дунё, барча имконият ва жонини инсонларни зулматлардан ёруғликка, бандаларга қул бўлишдан бандаларнинг Роббисига қул бўлишга чиқариш учун фидо этдилар. Аллоҳ йўлида Аллоҳнинг сўзи олий ва кофирларнинг сўзлари оёқлар остига тушгунича курашди. Ер юзида фитна, яъни, ширк қолмасин ва дин

бутунлай Аллоҳники бўлсин дея жангга кирдилар.

Уни суйганлар бу мавзуларда у кўрсатган ҳидоят йўлидан юриб, Унинг турмуш тарзидан намуна олдилар. Ўтмишдан ушбу кунимизга қадар қўлларида бўлган барча имкониятларини Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вақти, мол-дунёси ва жонини фидо қилган нарса учун фидо қилдилар ва қилмоқдалар. Қуйида у солиҳ инсонлар қилган баъзи фидоийликларни қаламга оламиз.

1. Анас ибн Назр розияллоҳу анҳунинг Аллоҳ йўлида жонларни

Фидо қилишга чақириши ва шахсан ўз жонини фидо этиши

Аввал айтиб ўтганимиздек, Уҳуд жанггида мусулмонлар сафида парокандалик вужудга келди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлдирилгани ҳақида ёлғон хабар тарқади. Бу нохуш хабардан баъзи саҳобалар таъсирланиб, чорасиз бир ҳолатда ерга ўтирдилар. **Анас ибн Назр розияллоҳу анҳу** уларнинг ёнига келиб: "Нега ўтирибсизлар?" - деб сўради. **Улар:** "Расулуллоҳ ўлдирилибди!" - деб жавоб бердилар. **Буни эшитган Анас розияллоҳу анҳу:** "Ундан кейинги ҳаётни нима

қиласизлар? Ўринларингиздан туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима учун ўлган бўлсалар, ўша учун жонларингизни фидо қилинглар!" - деди" (Ибн Ҳишом, "Сийра", 3/30. Қаранг: "ас-Сийратун-Набавийя", 220. Ибн Ҳазм, "Жавамиъус-сийра", 162).

Динни ҳимояси ва Аллоҳнинг исмини олий қилиш учун бу саҳоба шахсан нима қилди? Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳу айтган қуйидаги сўзларни бизга нақл қилмоқда:

"Уҳуд куни мусулмонлар орқага чекиндилар. Анас ибн Назр

розияллоху анху: "Аллоҳим, Мен улар (дўстларим)нинг қилган ишларидан узр сўрайман. Анави (мушрик)ларнинг қилган ишларидан узоқ эканимни билдираман"- деди.

Сўнгра, жанг қилиш учун олдинга интилди. Саъд ибн Муоз розияллоху анху унга пешвоз чиқди. Анас розияллоху анху унга: "Эй Саъд, Жаннат! Мен унинг бўй(хид)ларини Уҳуд томондан топмоқдаман!" - деди.

Саъд розияллоху анху айтади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга: "Ё Расулуллоҳ, мен у қилган ишни қила олмадим!" - деди".

Анас розияллоҳу анҳу айтди: "У ўлганида баданида найза ва камон ўқларидан саксондан ортиқ жароҳат бор эди. Жуссаси мусла қилинган (аъзолари кесиб ташланган) эди. Уни синглисигина бармоқ учларидан таний олди.

Биз Аллоҳ таолонинг: "Мўъминлар ичида Аллоҳга берган аҳду-паймонларига содиқ кишилар бордир" (Аҳзоб: ۲۳) оятини у ва у каби инсонлар ҳақида нозил бўлган деб билар эдик" (Имом Бухорий: ۲۸۰۵; ۶ / ۲۱).

Аллоҳ улардан рози бўлсин ва дин йўлида қилган хизматлари учун

улкан мукофотлар бериб уларни хушнуд этсин!

۲. Харом ибн Милхан розияллоху анхунинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг даъватини етказгани сабабли ўлдирилишидан бахтиёрликни ҳис қилиши

Суюклисига садоқатли бошқа биттаси, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг даъватини етказиш йўлида ўлдирилди. Фақат, у охиратга кўчиш олдидан ичидаги бахтиёрликни ифода этиш учун қулай фурсатни бой бермай, айтиб қолди. Бу садоқатли суйганнинг ҳайқириши нима эди? Энди унинг

бошидан ўтган бу ҳодисани имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда ўқийлик:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Сулаймнинг укаси бўлган тоғасини етмиш суворий билан жўнатдилар. Умму Сулаймнинг укаси бўлган Ҳаром – ки, у чўлоқ эди- (ва фалончи қабиладан бир киши кетдилар.(-ки, у чўлоқ эди- жумласи ҳақида ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ шундай демоқда: -ки, у чўлоқ эди- жумласи ҳадисда котиб тарафидан билмасдан олдинга олинган. Аслида, кейин ёзилиши керак эди. Яъни, шундай

дейилиши керак: "Ҳаром ва чўлок бўлган бир одам кетдилар" ("Фатҳул-Борий", Ҷ / ۳۸۷)).

Ҳаром розияллоҳу анҳу: "Сиз яқинда туринг, мен эса уларнинг яқинига борай. Агар улар менга омонлик беришса (сизлар ... бўласизлар ("Агар менга омонлик беришса" жумласи бошқа ривоятда: "Агар менга омонлик берсалар, сизлар ҳам ёнимда бўласизлар" дейилган. ("Фатҳул-Борий", Ҷ / ۳۸۷)). Агар мени ўлдирсалар, шерикларингизнинг ёнига қайтасизлар" - деди.

Ҳаром розияллоҳу анҳу: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғомини етказишга менга имконият берасизларми?" - деб сўради ва уларга гапира бошлади. ("Уларга гапира бошлади" жумласи Табарий раҳимаҳуллоҳнинг ривоятида қуйидагичадир: Ҳаром чикди ва: "Эй Беърул-Маъуна аҳолиси! Мен сизларга (юборилган) Расулуллоҳнинг элчисиман. Шунинг учун, Аллоҳ ва расулига иймон келтирингиз!" - деди. Шу онда бир одам уйдан бир найза билан чикдида, унинг орқасига санчди. Найза Ҳаром розияллоҳу анҳунинг кўкрагидан чикди" (Фатҳул-Борий",

۷ / ۳۸۷). Улар бир одамга ишора қилдилар ва Ҳаромнинг орқасидан келиб, унга найза санчди.

Ҳадиснинг ровийларидан бири бўлган Ҳаммод раҳимаҳуллоҳ:
"Менимча найзани унга жуда қаттиқ санчди"- деди.

Ҳаром розияллоҳу анҳу: "Аллоҳу Акбар! Каъбанинг Роббиси номига қасам, зафар қучдим!"- деди (Имом Бухорий: ۴۰۹۱; ۷ / ۳۸۵ – ۳۸۶).

Мана сизга, суйгани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғомини етказар экан жонини фидо қилишни зафар деб билган ва

севгисида садоқатли бўлган бир инсон!

Каъбанинг Роббиси номига қасам ичиб айтаманки, ҳақиқий зафар шудир. Аллоҳим, бундай зафардан бизларни маҳрум этма! Омийн, ё Роббал-олабийн!

۳. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафоти ва оғир вазиятга қарамай Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг Усома розияллоҳу анҳунинг бўлинмасини жўнатиши

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан сўнг саҳобалар оғир синовлар билан

юзма-юз қолдилар. Чунки, араб қабилаларининг аксари Ислом динидан қайтиб, муртад бўлган эдилар. Улар мусулмонларга – Мадина ан-Набавийяга ҳужум қилишни режалаштирдилар. Саҳобаи киром, Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу таърифлаганидек, чўпонсиз қолган туя подасига ўхшаб қолдилар. Мадина ан-Набавийя эса, яна Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг таъбирича, бир узукдан ҳам тор бўла бошлади (Ибн Ҳиббон раҳимаҳуллоҳ, "ас-Сийратун-набавийя", ۴۲۸).

Шундай оғир дамлар бўлишига қарамай, Абу Бакр розияллоҳу анҳу

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввал Мадинадан узоқ ерларда душманлар билан жанг қилиш мақсадида тайёрлаган Усома розияллоҳу анҳунинг бўлинмасини жўнатиш амрини берди. Чунки, бу бўлинма Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг касаллиги оғирлашгани, кейин эса вафот этганликлари сабабли йўлга чиқишдан кечиктирилган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни юракдан суйган Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг бу амр олдида нима қилди? Имом Табарий раҳимаҳуллоҳ Осим ибн Адий

розияллоҳу анҳудан қилган ушбу ривоятга қулоқ осайлик:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотидан икки кун ўтгач Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг дарғачиси шундай қичқирди: "Усома лашкарлари билан жўнатилсин!

Усома бўлинмасидаги аскарлардан биронтаси Мадинада қолмасин, ас-Сурф деган ердаги (ас-Сурф – Мадинадан Шомга кетар экан, уч мил узоқликдаги ер. (Мўъжамул-булдан": ۳۰۵۳; ۲ / ۱۴۹)) қароргоҳига кетсин" (Табарий, "Тарих", ۳ / ۲۲۳).

Вазиятнинг ўзгариш эҳтимолини кўз олдига келтирган Усома розияллоҳу

анҳу, бўлинмаси билан Мадинада қолиш истагида Абу Бакр розияллоҳу анҳуга ушбу сатрларни ёзди: "Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрини бажо келтиришдан бошқа севимли нарса йўқдир. Бироқ, йиртқич қушларнинг мени олиб кетишлари бу ишдан (яъни, Сизнинг истагингизни бажо келтиришдан) кўра мен учун яхшироқдир (Тарихул-халифат ибн Қайёт", ۱۰۰).

Араб қабилалари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотини эшитишлари билан Мадинага ҳужум қилишлари эҳтимоли борлигига ишора

қилинганида Абу Бакр розияллоҳу анҳу шу сўзларни айтдилар: "Агар мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юборишни хоҳлаган қўшинни қайтарсам, (итоатсизликка) ўта журъаткорлик қилган бўламан. Жоним қўлида бўлган Зотнинг номига онт ичиб айтаманки, араб (қабилалари)нинг устимга бостириб келишлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жўнатган бир бўлинмани тўхтатишдан кўра мен учун яхшироқдир" (Заҳабий, "Тарихул-ислам": "Хулафоурношидийн даври", ۲۰ – ۲۱).

Табарий раҳимаҳуллоҳнинг ривоятига кўра Абу Бакр розияллоҳу

анҳу шундай деди: "Абу Бакрнинг жони қўлида бўлган Зотнинг номига қасам ичиб айтаманки, йиртқич ҳайвонларнинг мени парчалаб ташлашларини билсам ҳам, Усоманинг бўлинмасини Расулуллоҳ амр қилганларидек жўнатаман" (Табарий, "Тарих", 3 / 220).

Ўзидан бошқа ҳақ илоҳ бўлмаган Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳақиқатан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйганларнинг энг буюгидир! У ҳақиқатан ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суяр эди.

Сўнгра уни Усома розияллоҳу анҳу от устида, унинг эса пиёда юриб кўшинни кузатганини кўрамиз. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу Усома отининг жиловидан ушлаб олган эди. **Усома розияллоҳу анҳу:** "Эй Расулуллоҳнинг халифаси, Аллоҳ номига қасамки, ё сиз отга миносиз, ёки мен отдан тушаман!"- деди.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу унга хитобан: "Аллоҳ номига қасамки, сен **(отдан)** тушмайсан ва яна Аллоҳ номига қасамки, мен ҳам отга минмайман. Аллоҳ йўлида оёқларим бир оз чанг бўлса менга нима зарар

қилади?!"- деди. (Табарий, "Тарих", ۳ / ۲۲۶).

Абу Бакр розияллоҳу анҳу Усома розияллоҳу анҳуга ушбу тавсияларни берди: "Аллоҳнинг расули сенга берган амрларни бажо келтир! Аввал кузоъаликларнинг диёридан бошла, сўнгра Обилга бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам берган амрларнинг барчасини тўла-тўкис амалга ошир!" (Табарий, "Тарих", ۳ / ۲۲۷).

Бошқа ривоятда шундай дейилган: "Эй Усома, амр қилинган тарафга қараб лашкарларинг билан юр. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам буюрган ерда
ғазотингни қил!" (Заҳабий,
"Тарихул-ислам", ۲۰ – ۲۱).

Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки,
Аллоҳнинг расулига бўлган самимий
муҳаббат, **шудир**: Аллоҳнинг динини
ҳимоя қилиш, Ҳақ Сўзни олий
қилиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам буюрганидек
жиҳодга чиқиш — Роббимнинг
салавот ва саломлари Унга ёғилсин.

**۴. Вазият оғир бўлишига қарамай
Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг
закот бермаган ва диндан қайтган-
муртадларга қарши жанг қилиши**

Закот бермаган кимсаларга қарши жанг қилиш мавзуси долзарб бўлган бир кунда, ўз пайғамбарини юракдан суйган бу буюк зотнинг азму-қарорини қуйидаги сўзлари очик ифодаламақда: "Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга беришган туя иқолини менга бермасалар мен уни беришлари учун уларга қарши уруш қиламан!" ("Туя иқоли" – туянинг оёғини боғлаб қўйиладиган арқондир. Чунки, закот бермоқчи бўлган одам туяни топширишга масъулдир. Топширганда эса туянинг олд оёғини боғлаб топширади. Қаранг: "ан-

Ниҳоя фий ғарибил-ҳадис", ۳/۲۸۰),
(Имом Муслим: ۳۲; ۱ / ۵۲).

Сўнгра, Абу Бакр розияллоҳу анҳу диндан қайтиб муртад бўлган баъзи қабилаларнинг Мадинаи Набавийга ҳужум қилмоқчи эканликларини сизди ва уларга қарши шахсан ўзи етакчилик қилиб чиқди. **Онамиз**

Оиша розияллоҳу анҳо: "Отам қиличини суғуриб, туясига минди ва Зул-Қассага чиқдилар"- деди ("Зул-Қасса" – деди Носир, Мадинадан йигирма тўрт мил узоқликдаги жой бўлиб, Рабазага кетган йўлдир.

Қаранг: "Мўъжамул-Булдон": ۹۷۲۰;
۴/۴۱۶). ("ал-Бидая ван-ниҳая",
۴/۳۵۵).

Абу Бакрдан Мадинада қолиши ва ўрнига бошқасини юбориши маъқул эканлиги ҳақида айтилганда: "Йўқ, Аллоҳ номига қасамки, бундай қилмайман. Балки, сизларга ўзим ёрдам бераман"- деди (Табарий, "Тарих", 3/247. Қаранг: Ибн Асир, "ал-Камил фит-Тарих", 2 / 233; "ал-Бидая ван-Ниҳая", 6/300).

Аллоҳнинг ҳабиби олиб келган диннинг қилган хитобига, у самимий суйган, нима деб жавоб бериши мумкин эди? Қудратли Аллоҳнинг ўз расулига туширган нурли шариати ундан жанг майдонига чиқиши ва ёрдамчи бўлишини талаб қилганида, у қандай майдонга чиқмасин?

Биз қаерда-ю, унинг қилган ишлари қаерда? Ушбу Дин Ер юзининг барча тарафларида бизни ёрдамга чорлаётганини кўрмаяпмизми? Ислон динининг Ер юзининг узок ва яқин: барча тарафлардан фарёд чекаётганини эшитмаяпмизми?

Бу фарёдларга ким жавоб бермоқда?

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламни суюшни даъво қилаётганлар, **Аллоҳ таоло:**

«Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар.» (Аъроф: 179) деб

баён қилган кимсалардан бири бўлиб қолишдан кўрқмайдиларми?!

• Баро ибн Молик розияллоху анхунинг душман турган бўстонга кириб, дарвозани ичкаридан очиш учун бўстон ичига отишларини талаб қилиши

Ямома жанггида Мусайламатул каззобнинг тарафдорлари бир бўстон ичига кириб, дарвозани ичкаридан беркитиб олдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақиқий суйганлардан бири дарвозаларни очиш учун ўзини бўстон деворлари устидан ичкарига отишларини талаб қилди. **Имом**

Табарий раҳимаҳуллоҳ бизга унинг қиссасини шундай баён қилмоқда:

"... Сўнгра, мусулмонлар уларнинг устига ёпирилиб ҳужум қилдилар. Уларга бир бўстонга киришдан бошқа чора қолмади. Бу бўстон "Ўлим бўстони" дея тарихга кирди. Уларнинг ичида Аллоҳнинг душмани Мусайламатул каззоб ҳам бор эди. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу: "Эй мусулмонлар, мени бўстон деворлари устидан ичкарига отинглар!"- деди.

Бошқа бир ривоятда: "Эй мусулмонлар, мени уларнинг устига, бўстонга отинглар!"- деди (Ибн

Ҳиббон, "ас-Сийратун-набавийя ва ахбарул-хулафо", ۴۳۸).

Мусулмонлар: "Эй Баро, бундай қилма?" - дедилар. **У эса:** "Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мени, албатта, уларнинг устига – бўстон ичига отасизлар!" - деди. Шундай дегач, уни кўтариб (**девор устига**) чиқардилар. У мусулмонларга девор устидан бир каради-да, (**ичкарига**) душман устига ташланди ва улар билан жанг қилишга киришди.

Ниҳоят, дарвозани очди, мусулмонлар ичкарига отилиб кириб, Аллоҳнинг душманлари билан каззоб Мусайлама ўлдирилгунига қадар урушдилар"

(Табарий, "Тарих", 3/290; Қаранг: "ал-Камил", 2/246).

Аллоҳу Акбар! Баро розияллоҳу анҳу ўз жонини Аллоҳ йўлида арзон билиб қандай фидо этди! Ҳолбуки, унинг жони жуда қимматбаҳо эди. Каъба Роббисининг номига қасам ичиб айтаманки, унинг жони бизга ўхшаганларнинг мингтасининг жонидан ҳам қимматроқдир.

7. Ярмук жанггида тўрт юз мусулмоннинг ўлим учун байъат қилишлари

Ярмук жанггида Аллоҳнинг динини ҳимоя қилиш, Аллоҳнинг исмини олий қилиш ва ширкни Ер юзидан

супуриб ташлаш учун, самимий севги соҳиби бўлган, тўрт юз мусулмоннинг ўлгунга қадар жанг қилиш учун байъат қилганларини кўрмоқдамиз. Ҳофиз ибн Касир раҳимаҳуллоҳ Абу Усмон Ғассонийдан, **у эса отасидан шундай деганлигини ривоят қилди:** Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима розияллоҳу анҳу: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўп жангларда иштирок этган эканмиз, бугун сизлардан қочамизми?" - деди.

Бир оз вақт ўтганидан сўнг:
"Ўлгунига қадар жанг қилиш учун байъат қиладиган ким бор?" - деди.
Амакиси Ҳорис ибн Ҳишом ва Зирор

ибн Азвар розияллоҳу анҳумо билан мусулмонларнинг пешқадамлари ва отлиқларидан тўрт юзтаси унга байъат қилдилар. Улар Холид розияллоҳу анҳунинг чодири атрофида матонат билан жанг қилдилар. Ниҳоят, уларнинг кўпчилиги ярадор бўлдилар ва жароҳат сабабли ўлдилар, Зирор ибн Азвар розияллоҳу анҳу ва бошқа бир қанча одамгина жароҳатларидан тузалдилар. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин. ("ал-Бидая ван-ниҳая", ۷/۱۱–۱۲. Табарий, "Тарих", ۳/۴۰۱; "ал-Камил фит-Тарих", ۲/۲۶۳).

Ү. Зубайр розияллоҳу анҳунинг ичкаридан дарвозани очиш учун қалъа минорасига чиқиши

Баро ибн Молик розияллоҳу дўстлари билан Ямомада кўрсатган матонатни Мисрда айнан такрорлаган бошқа бир самимий кишини кўрмоқдамиз. Бу фидокорлик ва матонатдаги ўхшашлик бежиз эмасдир. Чунки, уларнинг барчаси бир мадрасани битирган эдилар. Бу мадраса - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мадрасаси эди. Уларнинг суйган одами эса - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эдилар. **Имом Абдулҳакам раҳимаҳуллоҳ**

бизга у ва унинг матонатли дўстлари бошидан кечирган ушбу ҳодисани шундай баён қилмоқда:

"Амр ибн Ос розияллоҳу анҳунинг қалъани фатҳ этиши кечикиши билан Зубайр розияллоҳу анҳу: "Мен жонимни Аллоҳга атадим ва шу йўл билан Аллоҳнинг мусулмонларга фатҳ беришини умид қиламан"- деди.

Сукул-Ҳамам тарафидан қалъага бир нарвон тиклади ва ундан юқорига чиқди. Шерикларига такбирини эшитганларида у билан бирга такбир айтишларини таъкидлади.

Қалъадагилар Зубайр розияллоҳу анҳунинг қалъа ичига кириб, қиличини суғуриб, такбир айтгунига қадар пайқамадилар. Барча мусулмонлар дўстлари нарвонга чиқиш учун шошилдилар. Амир Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу нарвоннинг синишидан кўрқиб, уларнинг олдига ўтди.

Зубайр ва у билан бирга бўлганлар ҳужумга ўтдилар ва баралла такбир айтдилар. Ташқаридаги мусулмонлар ҳам такбир айтдилар. Душманлар барча мусулмонлар қалъа ичида эканида ҳеч шубҳа қилмадилар. Шунинг учун ҳам, тумтарақай чор атрофга қоча бошладилар.

Зубайр розияллоху анху ва унинг шериклари дарвоза томон юриб, уни очдилар. Шундай қилиб мусулмонлар қалъани қўлга киритдилар" ("Футуху Миср ва ахбаруха", ۵۲).

۱. Нуъмон ибн Муқаррин розияллоху анхунинг Аллоҳ таолога мусулмонларга зафар бериши ва ўзига шаҳидликни насиб этиши учун ёлбориши

Наҳованд жанггида ҳам Аллоҳ ва расулини самимий суйган бошқа бир кишини кўрмоқдамиз. У мусулмонларга зафар, ўзига эса шаҳидликни насиб этиши учун Аллоҳ таолога ёлбориб дуо

қилмоқда. **Ҳофиз Заҳабий**
раҳимаҳуллоҳ у ҳолатни қуйидагича
тасвирламоқда:

"Наҳованд жанггида икки тараф
тўқнашганида Нуъмон ибн
Муқаррин розияллоҳу анҳу: "Агар
ўлсам, менга қараманглар! Мен бир
дуо қиламан, **ортидан "Омийн!"**
дейсизлар: Аллоҳим мусулмонларга
зафар бериш билан бирга менга
шаҳидликни насиб эт!, деди. **Ҳамма:**
"Омийн!", деди.

Илк шаҳид Нуъмон ибн Муқаррин
розияллоҳу анҳу бўлди. ("**Тарихул-**
Ислам", ۲۲۵). Аллоҳ ундан рози

бўлиб, лойиқ мукофотлар билан хушнуд этсин.

Бошқа ривоятда Нуъмон ибн

Муқаррин розияллоҳу анҳу:

"Аллоҳим, динингни азиз қил!

Қулларингга ёрдам эт, Нуъмонни эса динингни азиз қилиш ва қулларингга ёрдам этиш билан бирга шаҳид қил!" - деди. ("ал-Камил фит-тарих", ۳/۵).

Дуонинг ҳайратомузлигига қаранг!

Бундай нарсаларга сабр-

бардошлилар ва улкан

насибадорларгина муяссар қилинади.

9. Мусулмонларнинг Аллоҳ йўлида жонларини фидо қилиш иштиёқлари

Бу аломатга доир мисолларни Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни самимий суйган мусулмонларнинг ширк йўқ бўлиб, дин ёлғизгина Аллоҳники бўлгунига қадар Аллоҳ йўлида жонларини фидо қилиш истакларини тилга олар экан, сўзлаган ушбу сўзлари билан яқунламоқчиман. **Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу деди:**

"Орамизда шаҳидликни насиб этиши ҳамда юрти, тупроғи, оиласи ва бола-

чақаларига қайтармасликни Аллоҳ таолога қилган дуосида сўрамаган бирон кимса йўқ эди. Ҳеч биримиз орқамизда ташлаб келганларимизни ўйламас эдик. Чунки, ҳар биримиз аёлимиз ва фарзандларимизни Аллоҳга омонат қилиб ташлаб келган эдик. Биз фақат келажакда қаршимиздан чиқадиган нарсалар ҳақидагина ўйлар эдик". ("Футуҳу Миср ва ахбаруҳа", ۵۴).

Биз ҳам шундаймизми?!

Аллоҳим, бизларни ҳам улар каби қил! Омийн, ё Роббал-Олабийн!

Хотима

Мендек заиф кулига ушбу таълифни
якунлаш неъматини ато этган
Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мен Ундан
ушбу амалимни қабул қилишини
ўтиниб сўрайман. Бу амалдан бир
неча нуқта намоён бўлмоқда.

Уларнинг баъзилари
қуйидагилардир:

۱. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни жонимиз, фарзандларимиз,
ота-онамиз, хотинимиз, бойлигимиз
ва барча инсонлардан кўра кўпроқ
суюшимиз керак.

۲. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламни суюш дунёда иймон
тотини ҳис этиш ва охиратда эса

Унга ҳамсуҳбат бўлиш сабабларидандир.

Ў. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суйишнинг бир неча аломатлари бўлиб, **улардан баъзилари қуйидагилардир:**

а) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш ва у билан бирга бўлишни орзу қилиш. Булардан маҳрум қолиш ва қўлдан чиқаришни энг катта мусибат деб ҳисоблаш.

б) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун жон ва мол-дунёни фидо қилиш учун ҳозиру-нозир бўлиш.

в) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат қилиб, таъқиқларидан тийилиш.

г) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини амалга ошириб, у олиб келган шариатни ҳимоя қилиш.

ξ. Саҳобай киром Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан муҳаббатларида самимий эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларига боқиш ва у билан бирга бўлиш, улар учун дунёдаги барча нарсадан кўра севимлироқ эди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун

жон ва мол-дунёларини фидо қилишни бахту-саодат деб билар эдилар. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат этишар ва таъқиқларидан зудлик билан узоқлашар эдилар. Улар Унинг суннатини амалга ошириш ва Аллоҳ юборган шариатни ҳимоя қилиш учун бебаҳо жонларини арзимас нарсадек фидо қилдилар.

Аввало ўзимга, сўнгра мусулмон биродарларимга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни севиш борасида саҳобаи киромлардан ўрнак олишларини тавсия этаман. Чунки, курук

даъвонинг ўзи даъвогарга зарар бериши мумкин, бироқ ҳеч фойда бермайди.

Пайғамбаримиз, унинг оиласи, саҳобалари ва унга яхшилик билан эргашганларга Аллоҳнинг салавоту саломлари бўлсин. **Дуомиз охирида:** Барча Оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!, деймиз.

Таълифда фойдаланилган манбалар

۱. Абу Бакр Жобир Жазоирӣ, Айсарут-Тафосир, ۱ ۴۰۷ ҳ.й.

۲. Ибн Касир, ал-Бидая ван-Ниҳая, Байрут, ۱۳۹۴ ҳ. й.

Ў. Аҳмад Абдурраҳмон Банно,
Булуғул-амоний мин асрорил-фатҳир
Роббаний, Қоҳира.

ξ. Ҳофиз Заҳабий, Тарихул-Ислом,
тадқиқ: д. Умар Абдуссалом
Тадмурий, Байрут, ۱۴۰۷.

ο. Тариху Халифат ибни Ҳайёт,
тадқиқ: д. Акрам Зиё Умарий, Риёз,
۱۴۰۵.

٦. Ибн Жарир Табарий, Тарихул-
уам вал-мулук, **тадқиқ:** Абул-Фазл
Иброҳим, Байрут.

۷. Абу Абдуллоҳ Қуртубий, ал-
Жомеъ ли аҳкамил-Қуръан, Байрут,
۱۹۶۵.

۸. Абул-Қосим Жоруллоҳ
Замахшарий, ал-Кашшоф, Байрут.

۹. Ибн Ҳазм, Жавомиъус-сийра,
тадқиқ: д. Эҳсон Аббос ва д.
Носируддин Асад, Покистон, ۱۴۰۱.

۱۰. Ибн Қоййим Жавзийя, Зодул-
маъод фий ҳадйи хойрил-ибод,
Байрут-Қувайт, ۱۴۰۷.

۱۱. Ҳофиз Заҳабий, Сияру аъламин-
нубалаи, Байрут, ۱۴۰۲.

۱۲. Имом ибн Ҳиббон Бустий, ас-
Сийратун-набавийя ва ахбарул-
хулафаи, Байрут, ۱۴۰۲.

۱۳. Ибн Ҳишом, ас-Сийратун-
набавийя, **муқаддима ва ҳошия:** Тоҳо

Абдуррауф Саъд, Мактабатул-куллийяти-Азҳарийя.

۱۴. Д. Абдулкарим Зиё ал-Умарий, ас-Сийратун-набавийя ас-Саҳиҳа, Мадина, ۱۴۱۲.

۱۵. Имом нававий, Шарҳу Муслим, Байрут, ۱۴۰۱.

۱۶. Имом Жавҳарий, ас-Саҳиҳ Тажул-луға ва сиҳаҳул-арабийя, **тадқиқ:** шайх Абдулғафур Аттор, Байрут, ۱۳۹۹.

۱۷. Имом Бухорий, Саҳиҳул-Бухорий маа Фатҳил Барий, Риёз, Рисалату идаратил-буҳусил-илмийя.

۱۸. Муҳаммад Носируддин Албоний,
Саҳиҳу Сунани Аби Довуд, Риёз,
۱۴۰۹.

۱۹. Муҳаммад Носируддин Албоний,
Саҳиҳу Сунани ибн Можа, Риёз,
۱۹۸۶.

۲۰. Муҳаммад Носируддин Албоний,
Саҳиҳу Сунанин-Насоий, Риёз, ۱۴۰۹.

۲۱. Имом Муслим ибн Ҳажжож
Қушайрий, Саҳиҳу Муслим, **тадқиқ:**
Муҳаммад Фуод Абдулбоқий, Риёз,
Рисалату идаратил-буҳус....., ۱۴۰۹.

۲۲. Ибн Саъд, ат-Табақотул-Кубро,
Байрут, ۱۳۸۸.

۲۳. Бадруддин Айний, Умдатул-Қорий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий, Байрут.

۲۴. Ибнул-Жавзий, Ғарибул-Ҳадис, **тадқиқ:** Д. Абдулмутеъ Амин Қалажи, байрут, ۱۴۰۰.

۲۵. Ҳофиз ибн Ҳажар, Фатҳул-Борий, риёз, Рисолату идаратил-буҳус... .

۲۶. Аҳмад Абдурраҳмон Банно, ал-Фатҳур-Раббоний фий тартиби Муснадил-Имам Аҳмад ибн Ҳанбал, Қоҳира.

۲۷. Абул-Қосим Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам, Футуҳу

Миср ва ахбаруҳа, **муқаддима ва тадқиқ**: шайх Муҳаммад Субайх, Қоҳира.

۲۸. Ибнул-Асир, ал-Камил фит-Тарих, Байрут.

۲۹. Ибн Манзур ал-Африқий, Лисанул-араб ал-Мухит, **нашрга тайёрловчи ва тартиблаган**: Юсуф Ҳайёт, Байрут.

۳۰. Нуруддин Ҳайсамий, Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фаваид, Байрут, ۱۴۰۲.

۳۱. Муҳаммад Носир Рифоъийнинг мухтасар ва таълиқи ила Мухтасару тафсири ибн Касир, Риёз, ۱۴۰۸.

۳۲. Абу Абдуллоҳ Ҳоким, ал-Мустадрак алас-Саҳиҳайн, Байрут.

۳۳. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, ал-Муснад, **тадқиқ:** шайх Аҳмад ибн Муҳаммад Шокир, Миср.

۳۴. Абу Яъло Мавсилий, Муснад, **тадқиқ ва таҳриж:** шайх Ҳасайн Салим Асад, дамашқ, ۱۴۰۴.

۳۵. Ёқутул-Ҳамавий, Муъжамул-булдан, **тадқиқ:** шайх Фарид Абдулазиз Жундий, Байрут, ۱۴۱۰.

۳۶. Аҳмад Абдурраҳмон Банно, Минҳатул-Маъбуд фий тартиби Муснадит-Таёлисий Аби Довуд, Байрут, ۱۴۰۰.

۳۷. Имом Молик, Муваттаъ, **таджик:** мухаммад Фуод Абдулбоқий, Миср, ۱۳۷۰.

۳۸. Ибнул-Асир, ан-Ниҳоя фий ғарибил-ҳадиси вал-асар, **таджик:** шайх Тоъир Аҳмад Зовий, шайх Маҳмуд мухаммад ат-Таносий, ал-Мактабатул-исламийя.